Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 8 февраль, чоршанба • № 11 (10.687) • Эркин нархда сотилади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг Волгоград вилояти маъмурияти раҳбари Иван Шабунин бошчилигидаги вилоят делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов йирик саноат марказига айланган ушбу вилоят билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун фойдали бўлишини айтди. Волгоград корхоналари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Иван Шабунин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этар экан, волгоградлик тадбиркорлар Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишга интилмоқда, деди. У вилоят саноатида ўзбек пахтасига эҳтиёж катта эканини қайд этиб, волгоградликлар Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги учун зарур техника воситалари, нефт ва газ саноати учун асбоб-ускуналар етказиб беришга тайёрлигини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов ва Ю. Пайгин иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. ШОХАЛИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шомансур Шохалилов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. ШОХАЛИЛОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТЛИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Шомансур Шохалиловга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси дипломатлик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Т. ЖАЛИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдулаҳат Туропович Жалилов Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Г. А. ПУГАЧЕНКОВАНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академик Галина Анатольевна Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

• ВИЛОЯТИМИЗНИНГ БИР КУНИ • ВИЛОЯТИМИЗНИНГ БИР КУНИ •

«ЭКОСАН» ТЕРАК ЭКАДИ

Халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими «Тошкент—Чиноз» автомобиль йўлининг икки чеккаси бўйлаб қарийиб 50 километр масофада тераксор барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Мазкур ташаббусни вилоят ҳокимлиги маъқуллади. Айни пайтда экиш мавсумига тайёргарлик кўриляпти. Бўкалик тадбиркор Шарифхожи Валижонов бунинг учун ўн мингта Калифорния тераги қаламчалари етказиб берадиган бўлди.

Н. ДУШАЕВ,
Ўза мухбири.

ЙЎЛСОЗЛАРНИНГ ЯНГИ ТАЖРИБАСИ

МАЪЛУМКИ, йўл қурилишида асфальт-бетон асосий материал ҳисобланади. Кейинги вақтларда бу маҳсулот ҳам анча танқис бўлиб қолди. Оқибатда йўл қурилишида айрим қийинчиликлар пайдо бўлмоқда.

Қибрай автомобиль йўллари қурилиши бошқармаси жамоаси асфальт-бетон ўрнига бетон плиталардан фойдаланишга қарор қилишди. Жумладан, йўлсозлар Салор шаҳарчаси билан Тошкент Давлат Аграр университети оралиғидаги серқатнов магистралга шундай плиталар ётқизишни бошлаб юбордилар. Бу йўлларнинг пишиқ-пухта бўлишига ҳам олиб келади.

Бу асфальт бетон ётқизилган йўлга нисбатан учтўрт баравар узоқ муддат фойдаланиш имконини беради. Яъни бетон плита ётқизилган йўллар 30 йил ва ҳатто ундан ортиқ муддатга бемалол чидайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қибрайлик йўлсозлар республикада биринчи бўлиб шундай янги қопламали йўл қуришни бошладилар.

«ҚИЗИЛ ШАЛОЛА»ДА ГАП КЎП

Тумандаги «Қизил Шалола» тажриба хўжалиги раҳбарларининг ташаббуси билан сутни қайта ишлаш цехи ташкил этили. Шу муносабат билан Қибрай марказида хўжаликнинг чорва маҳсулотлари, аралаш моллар билан савдо қилиш дўкони очилди.

Шунингдек, хўжаликда қишлоқ аҳолиси новвойхона, сартарошхона ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасидан фойдалана бошладилар. Янги иш жойларининг ташкил этилиши хўжаликда 20 нафардан ортиқ йигит-қизни иш билан таъминлаш имконини берди.

Қ. МУЛЛАБОЕВ.

МУЛК ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Республикамизнинг барча жойларидаги каби Чиноз туманида ҳам хусусийлаштириш ишлари кенг кўламда давом этмоқда. Шу кунгача 15 та объект очиқ ҳиссадорлик жамиятига, 6 та корхона хусусий корхонага, 115 объект хусусий мулкка айлантирилди.

Куни кеча Амир Темур номли жамоа аъзоларининг хўжалик ўтган йили якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларининг қарорига биноан ушбу хўжалик ҳам мулкчилик шаклини ўзгартириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги сут-товар фермаси ҳам хусусийлаштирилди. Унда 600 га яқин қорамол боқилади. Эллик нафар киши меҳнат қилаётган бу фермага А. Тўрагелдиев раҳбарлик қилмоқда.

ҚИШЛОҚЛАРДА КОРХОНАЛАРНИНГ КИЧИК ЦЕХЛАРИ

Чирчиқ шаҳри ва Ўртачирчиқ тумани меҳнаткашларининг турли соҳалардаги ҳамкорлиги ўзига хос тарихга эга. Бу алоқалар йил сайин кенгайиб, янги-янги қирраларини намойиш этмоқда. Чирчиқликлар туман хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатишни давом эттирганлари ҳолда бу ерда саноат тармоқларини барпо этишга ҳам кўмаклашмоқдалар. Ҳозир тумандаги қатор хўжаликларда бевосита уларнинг иштироки билан ташкил этилган кичик корхоналар, цехлар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони ўнтадан ошиб кетди.

Чунончи, «Электрокимё» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Гулистон» жамоа хўжалигида иссиқхона ташкил этишда фаол иштирок этди. Чирчиқ пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли «Қорасув» жамоа хўжалигида мўъжазгина пойабзал цехи барпо этилди. Бу ерда меҳнат жараёнига шу вақтгача бекор бўлган ўнлаб ёшлар жалб қилинди. Иш ўринлари сони эса ўтгизтага етказилди. «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари ҳам бундай ҳайрли ишга қўл урдилар. Улар «Янги турмуш» жамоа хўжалигида тикувчилик цехини ишга тушиндилар. Бу бўлинмага ишлаш учун жалб қилинган қиз-жувонлар ўз маҳсулотлари билан туман истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшмоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

• ВИЛОЯТИМИЗНИНГ БИР КУНИ • ВИЛОЯТИМИЗНИНГ БИР КУНИ •

Эртага — улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуди куни

МАНГУ ЧАШМА

ЭРТАГА — беназир ўзбек шоири, улуғ мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топган кунга 554 йил тўлади.

Навоий ўзининг серқирра, бой ижоди билан авлодларга ўлмас маънавий мерос қолдирди. Унинг асарларини ҳамон катта қизиқиш ва эҳтирос билан ўрганамиз, ниҳоятда гўзал ва ташбеҳларга бой ғазалларини ўқиб завқланамиз, ҳайратга тушамиз. Ҳа, Навоийдек улуғ инсон яшаб ўтганига беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, унинг овози гўё бугун ҳам эшитилиб турагандай, ғазал айтиб, кўнгилларимизни яхшиликка ундаётгандай...

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай...

Шу кунларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида, кўплаб ўқув муассасаларида шоир таваллудига бағишланган турли адабий кечалар, унинг ижодини ўрганишга бағишланган махсус машғулотлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Мақсад — шоирни хотирлашгина эмас, мақсад - тариҳимиз, маънавий меросимизни ўрганишга янгича кўз билан қаралаётган бугунги мустақил даврда Навоийдек забардаст шоирларимизнинг меросларини янада чуқурроқ ўрганмоқ, уларни эъзозламоқ, улардан маънавий баҳра олмоқдир!

Алишер Навоий

ҲИКМАТЛАР

ЯХШИЛИК — бир жабрланганнинг оғир юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқармоқдир.

Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва у тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, ўша кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир...

***

МАЗЛУМГА марҳамат кўрсат, токи золимдан осойиш кўргайсан. Қўли калталарга наф етказ, агар тиласанг кучлилардан зарар кўрмагайсан. Хирадманд ёвлашишдан қочар, келишиш учун уйғунлик эшигини очар. Ари ғавғосидан найза тасаввури пайдо бўлади, асал савдосидан ичиш тасаввури муяссар бўлади.

***

КЎНГИЛ бадан мулкининг подшохидир. Унга соғлиқ бунга ҳам соғлиқ, унга нохушлик бунга ҳам нохушлик. Демак, кўнгил мулкининг эгаси бўлган нарса шоҳларнинг шоҳидир. Баданнинг тузук ва бузуқлиги кўнгилнинг тузук ёки бузуқлигига боғлиқ. Мулкнинг обод ва хароблиги шоҳнинг адолат ва зулмига боғлиқ. Подшоҳ-мулк баданининг жонидир, кўнгил — бадан мулкининг султони.

***

ҚАЙСИ БИР КЎНГИЛ қаттиқ сўздан яраланган бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур. Кўнгилга қадалган тил ҳанжари етказган жароҳат битмайди, унга ҳеч нарса малҳам ўрнини тутмайди. Ҳар бир кўнгил тил ҳанжаридан жароҳатланса, юмшоқ сўз ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради. Мулойим такаллум — вахшийларни улфатга айлантиради, афсунгар — илонни инидан чиқаради...

***

ЎЗИГА зеб берган ботир бўлмас, капалак-парвона бўлмас. Дўст жабридан инграма, душман зулмидан зорланма.

***

ҲАР КИШИНИ сирингнинг махрами дема, бу — дунё кишиларида оздир... Ўзинг сир сақлашинг ўзингга қийин бўлар экан, яна бировнинг уни сақламоғи мушкулдир... Ўзинг ўз амрингни сақлаб олмаганингни биларсан, бошқа биров уни фош этса айб ҳам қиларсан...

БИЛИМ ЮРТИДА НАВОИЙХОНЛИК

РЕСПУБЛИКА «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Қибрай туманидаги 36-ҳунар-техника билим юртида навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Кечага ташриф буюрган Ўзбекистон фанлар академияси ва Алишер Навоий номидаги адабиётшунослик институтининг таниқли олимлари — Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори Ёқубжон Исҳоқов ва филология фанлари доктори, профессор Баҳром Бафоевлар улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ҳақида қизиқарли маъруза қилдилар. Навоийнинг ғазалларидан намуналар ўқилди.

Кенг мунозара руҳида ўтган бу тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

А. ТУРСУНМАТОВ.

АЙБНИ ЕРГА ВА НАВГА ТЎНКАБ ЮРУВЧИЛАР ЯНА ПАНД ЕЙДИЛАР

Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган йиғилишда пахтачиликда ислоҳотларни чуқурлаштириш, навларни ҳудудийлаштириш, хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш ва агротехника тадбирларини такомиллаштириш масалалари мухокама этилди

ҲОЗИРГИ кунда қишлоқ хўжалигида қатор муаммолар йиғилиб қолган. Ана шулардан бири — пахтанинг энг яхши навларини етиштириш, уларни ҳудудлаштириш, хўжаликларни ўз вақтида етарли миқдорда сифатли уруғлик билан таъминлаш масаласи. Яна бир муҳим мавзу — агротехникага амал қилиш муаммосидир.

3 февраль куни Тўйтепа шаҳрида бўлиб ўтган вилоят машғулот-кенгаши ана шу долзарб мавзуларга бағишланди. Йиғилишда туман ҳокимлари, агросаноат уюшмаларининг раислари, хўжалик раҳбарлари, пахта тозалаш заводларининг директорлари, пахтачилик билан шуғулланувчи республикамиздаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва уруғчилик соҳаси мутахассислари иштирок этдилар.

Машғулот-кенгашни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов бошқариб борди.

Вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Р. Нурматов «Тошкент вилоятида ғўза навларини жойлаштириш, пахта ва ғалла уруғчилигининг аҳволи» тўғрисида маъруза қилди.

У ўз нутқида шу йил 12 январь куни Вазирлар Маҳкамасида «Республикада пахта навларини жойлаштириш ишларини яхшилаш ва хўжаликни сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш»га бағишлаб ўтказилган машғулот-кенгашдан келиб чиқувчи хулосалар устида тўхталди.

Бу бежиз эмас. Ҳар йили пахтанинг пишиши ва шу билан боғлиқ йиғим-терим кечикиб кетяпти. Ҳатто декабрь ойида ҳам пахта териляпти. Август-сентябрда кўсак санаб, ҳосилимиз мўл бўлади, деб керилган раҳбарлар чув тушишяпти. Ҳосилнинг 30—35 фоизи пишмай қолиб, терим оқсаяпти, режалар бажарилмаяпти. Бу ҳолатни бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Хўш, йўл қўяётган камчиликларимиз нималардан иборат? Уларни тезроқ бартараф қилишнинг иложи борми? Ҳа, бор, дейишди мутахассис олимлар. Буни тажрибакор, тадбиркор деҳқонларимиз ҳам таъкидлашди.

Мўл ва сифатли пахта етиштиришнинг энг асосий омили — яхши ишлов берилган унумдор ерларга ҳар бир минтақанинг сув, иқлим ва тупроқ шароитлари ҳисобга олиниб, тавсия қилинган навларни экишдир. Бунда унувчанлиги юқори, саралангган, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши дориланган чигитлар танлаб олиниши катта аҳамиятга эга. Айни вақтда ҳар қайси навнинг ирсий хусусиятлари ва ҳоссалари ҳам эътиборга олиниши лозим. Бир вақтлар вилоятда ҳар гектар пахта майдонидан 30—33 центнердан ҳосил олингани, етиштирилган 80—85 фоиз пахта машиналар ёрдамида терилгани яхши эсимизда: Бунда ҳосил усталари, қишлоқ хўжалигини механизациялаш жонқуярлари, тадқиқотчи олимларимизнинг тавсия ва кўрсатмалари асқотарди. Кейинги йилларда бу тажриба, бу деҳқончилик удуми унутилди.

Мана тўрт йилдирки, вилоятда пахтачилик оқсаб келяпти. Кейинги уч йил ичида давлатга режага нисбатан қарийб 74 минг тонна пахта етказиб бермадик. Ҳосилдорлик 1991 йилги 27 центнердан 1994 йилда 24,9 центнерга тушиб кетди. Ўтган йили айрим хўжаликларда ҳосилдорлик 15 центнерга ҳам етмади. Хўш, бунга сабаб нима?

Бундай аҳволга тушиб қолишнинг боиси шундаки, кейинги йилларда пахтачиликда агротехника тадбирларини ўтказишга эътибор сусайиб кетди. Мўлжалланган ҳосилнинг тақдири, аввало, ана шу агротехникага қанчалик қатъий амал қилишимизга боғлиқ. Режаларимизнинг сурункасига бажарилмаётганининг асл сабабларидан бири ҳам шунда.

Айниқса, кузги шудгорни ўз вақтида, маҳаллий ва минерал ўғитлар солиб ўтказмаслик, кўп йиллик бегона ўтларга қарши кимёвий йўл билан кураш олиб бормаслик, чигитни ерга бир йўла минерал ўғитлар ва гербицидлар билан экмаслик, чигитнинг тез униб чиқишига имкон берувчи биологик усулларни қўлламаслик, ғўза зараркунандаларига қарши курашда илмий омиллардан фойдаланмаслик, минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш билан қизиқмаслик ана шундай кўнгилсиз оқибатларга олиб келди.

Ҳозирги кунда пахтанинг бир қатор истиқболли навлари яратилган. Масалан, «С-65-24», «С-65-30», «С-65-32», «Наманган-77», «Юлдуз» ва бошқа навлар шулар жумласидандир. Улар вилоятимизда катта-катта майдонларга экиб келинмоқда. Бу ерда ҳам гап фақат навдагина эмас, балки уларни тўғри жойлаштириш, агротехникасига масъулият билан ёндошишдадир. Афсуски, бу ишлар талаб даражасида эмас. Айрим туман ва хўжаликларда пахта навлари маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитлари ҳисобга олинмай, асоссиз равишда ҳар 2—3 йилда алмаштириляпти.

Пахтачилик ва ислоҳот

Яна бир хатомиз ўз ношудлигимизни навларга тўнкаб, ўринсиз баҳоналарни рўкач қилишдир. Буни бир хил навдан бир хил ер, иқлим шароитида турлича ҳосил олинаётганида кўриш мумкин. Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалигида «С-65-24» нав пахтадан 34,3 центнердан хирмон кўтарилган ҳолда Жамбул номли жамоа хўжалигида бор-йўғи 14,4 центнердан ҳосил олинган. Бўка туманидаги Азаматов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари «Наманган-77» нав пахтанинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олишган бўлса, Пискент туманидаги Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 19,5 центнерда қолиб кетган ва ҳоказо. Хулоса шуки, мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштиришнинг бош омили, айтганимиздек, агротехникага оғишмай риоя этишдадир. Ғўза парваришини ўрнига қўйганлар мўл ҳосил ҳам тўплашди, уни барвақт йиғиштириб ҳам олишди, режани ҳам ошириб бажаришди.

Кузги шудгор бўлғуси мўл ҳосилнинг биринчи ва ишончли гаровидир. Бир неча йиллардан буён айрим туманлар ва хўжаликларда экин майдонлари кузги шудгордан қолиб кетаётганлиги, ўз вақтида минерал ва маҳаллий ўғитларга етарлича тўйина олмаётганлиги ва куз-қиш фаслида ернинг табиий қувватидан тўлиқ баҳра ололмаётганлиги учун ҳам ҳосилда барака бўлмаяпти. Масалан, деҳқонларимиз учун энг қулай келган 1994 йилни олайлик. Ерларни шудгорлаш олдинги йилнинг кузидан жорий йилнинг 20 февралигача чўзилиб кетди. Экин майдонлари ўғит солинмай, ғўзапоядан тозаланмай шошқалоқлик билан сифатсиз ҳайдалди.

Чигит экиш 8 апрелдан бошланиб, 27 апрелда якунланди. 107,9 минг гектар жами пахта майдонининг 34,300 гектарига туксизлантирилган чигит экилди. Шундан фақат 35,800 гектарига минерал ўғитлар солиб, 59,900 гектариґа гербицидлар билан чигит экилди, холос. Чигит экиш 27 апрелда тамомланганига қарамай, уни ундириб олиш ва яганалаш июнь ойигача чўзиб юборилди. Бунинг оқибатида кўпгина хўжаликларда кўчат сийрак бўлиб қолди. Бундай аҳволни режасини сурункасига бажармай келаётган хўжаликларда кузатиш мумкин.

Энди минерал ўғитлардан фойдаланиш масаласини олайлик. Аввало шуни айтиш керакки, кўпгина хўжаликларда ўғит жамғариш, уни вақтида ташиб келтиришга лоқайдлик билан муносабатда бўлинмоқда. Жумладан, ўтган 1994 йилда вилоят бўйича 20 июлгача азотли ўғитларнинг 72 фоизи, фосфорли ўғитларнинг 37 фоизигина олинди. Бу эса ўз навбатида ғўзани қулай агротехника муддатларида озиқлантирмасликка олиб келди. Иккинчидан, жойларда хўжалик мутахассисларининг минерал ўғитлардан самарали фойдалана олмаганликлари туфайли ҳосилнинг пишиб етилиши кечикиб кетди.

Пахтанинг кеч очилиши ва ҳосилдорликнинг камайиб кетишига олиб келаётган сабабларидан яна бири — жойларда ирригация ва мелиорация ишларининг қониқарсиз аҳволга тушиб қолганидир. 2 минг километр узунликдаги ички эовурлар бир неча йиллардан буён тозаланмаётгани туфайли сизот сувлари сатҳи 35—50 сантиметргача кўтарилган. Бу эса тупроқнинг захлаб кетиши, шўрнинг кўпайиши ва ғўзанинг яхши ривожлана олмаслигига сабаб бўлмоқда. Бизнингча, вилоятнинг Бекобод, Қуйичирчиқ, Бўка, Ўртачирчиқ, Янгийўл ва бошқа туманларида бу борадаги нуқсонларни шошилинч равишда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш зарур.

Сара, сифатли уруғ—мўл ҳосил гарови, деб кўп гапирамиз. Аммо унга кўпинча ўзимиз амал қилмаймиз ёки бепарволикка, ўта исрофгарчиликка йўл қўямиз. Вилоятда чигит сарфи таҳлили шуни кўрсатдики, бу борада ҳеч қандай иқтисод, тежам ҳисобга олинмайди. Масалан, Бекобод, Бўка, Пискент туманларида охирги 3 йил ичида тукли чигит сарфи гектарига ўртача 90—137 килограммни, туксиз чигит экиладиган Оққўрғон туманида 56—83 килограммни ташкил этмоқда. Бу экиш нормасидагидан 2,5—3 баробар кўпдир. Бу айни вақтда туксизлантирилган чигитни уяларга аниқ ташлаб кетадиган сеялкалардан, замонавий фантехника янгиликларидан оқилона фойдаланмаётганимиз оқибатидир.

Юқоридагидек муаммоларга, афсуски, ғаллачиликда ҳам дуч келаётирмиз. Бултур ғалла ўрими сентябргача чўзилиб кетди. Кўп ҳосил нобуд бўлди, режа бажарилмади. Бу ҳаммамизга аччиқ сабоқ бўлиши керак. Хатоларни яна такрорламаслик учун биринчи галда экинларнинг парвариши ва муҳофазасига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу сабзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик ва деҳқончиликнинг бошқа соҳалари учун ҳам тааллуқлидир. Қисқаси, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномалар аниқ ва изчил адо этилиши шарт. Ҳамма нарса ишбилармонлик, ташкилотчилик ва масъулиятга боғлиқдир.

Шу йил январь ойида бўлиб ўтган Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи ва иккинчи сессияларида юқоридаги долзарб масалалар тилга олинди, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги устивор йўналишлар белгилаб олинди. Албатта, энг биринчи навбатда барча тармоқларда ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларини оғишмай ҳаётга тадбиқ этиш асосий вазифадир.

Машғулот-кенгашда сўзга чиққан Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси У. Умаров, Ўртачирчиқ туманидаги «Роватак» жамоа хўжалиги раиси М. Убайдуллаев, республика ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори А. Эгамбердиев, Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг раиси А. Машаҳобов, республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг директори И. Ўрунов, республика Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг директори М. Иброҳимовлар уруғчилик, ғўза агротехникаси билан боғлиқ муаммоларни тез вақт ичида биргаликда ҳал қилиш ва гектар бошига ҳосилдорликни оширишга қаратилган қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Кенгаш ишида республика Қишлоқ хўжалик вазири Р. Ҳусанов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги

Бозор талаби асосида

БЕКОБОДДАГИ темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатида ислоҳотлар туфайли тарнов ариқлар билан бир қаторда аҳоли уй-жойлари учун плиталар, шлакоблоклар ва бошқа қатор истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, ҳатто бу ерда мўйначилик ва балиқчилик ҳам ривожлана бошлади

Бу комбинат бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам нисбатан бир маромда ишламоқда. Буюртмалар деярли тўла бажарилмоқда. Корхона жамоаси бундай натижаларга қандай эришмоқда? Бу ҳақда мухбиримиз комбинат бош мухандиси М. НОСИРОВ билан суҳбатлашди. Ундан бир неча саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитларда, турдош ва метериаллар етказиб берувчи корхоналар билан илгари пухта йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик сусайиб кетган бир пайтда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми деярли сақлаб қолинганлигининг омиллари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Маълумки, 50-60 йилларда республикамизда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари авж олдириб юборилди. Бу дашту-чўлларга оби-ҳаёт олиб келиш керак эди. Айниқса, Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўлларига сувни шунчаки оддий ариқлар орқали келтириш мумкин эмасди. Шунинг учун тарнов ариқлар, қувурлар зарур бўлди. Республика Сув қурилиши вазирлиги шу мақсадларни назарда тутиб, комбинатимизни барпо этишга қарор қилди. 1960 йили ишга туширилган корхонамизда дастлаб асосан темир-бетон тарновларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозиргача шундай суғориш ариқларидан 18 минг 750 километрга яқин тайёрланиб, ўзлаштираётган ерларга етказиб берилди.

Комбинат ҳудудида қум ва шағал заводи ҳам ишга туширилди. Маҳсулот тайёрлаш учун эса металл симлари, арматура маҳсулотлари ҳам зарур эди. Илгари бундай маҳсулотлар Украина ва Россиядан келтириларди. Ҳозир ҳам бу алоқаларни сақлаб қолишга интилинмоқда. Бироқ, бунинг учун катта қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келяпти. Шунинг учун маҳсулот етказиб берувчи корхоналарни республикамизнинг ўзида ва яқин қўшни давлатлардан қидиришга киришдик. Чунончи, 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон металлургия заводи бизга ёрдам бермоқда. Лекин бу билан металл маҳсулотларига бўлган эҳтиёжимиз тўла қондирилмаяпти. Шу сабабли бошқа манбаларни ҳам қидириб топдик.

Қўшни Тожикистоннинг «Истаравшо» корпорацияси билан қўшма корхонанинг тузилиши жуда қўл келди. Икки ўртада маҳсулот айирбошлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Қайроққум шаҳридаги турдош комбинат билан алоқа ўрнатдик. Биз комбинатга қум, шағал ҳамда баъзи бир бизда ишлатилмайдиган металл маҳсулотларидан жўнатамиз. Улар эса бизга зарур хом ашёлардан бўлган металл симлар юборишмоқда. Ўтган йили Қайроққумдан 250 тонна унга талаб катта. Чунки, бундай плиталарни қурилиш ташкилотлари қатори якка тартибда уйжой қураётган фуқаролар ҳам кўплаб харид қилмоқдалар.

Эшик-деразалар устига қўйиладиган тепадонлар, шлак блоклари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилганига икки йил бўлди. Бундан ташқари девор учун ишлатиладиган плиталар ишлаб чиқаришга ҳам киришилди.

— Ҳозирги давр истеъмол бозори учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма ва кичик корхоналар барпо этишни тақозо этмоқда. Комбинатда бу йўналишда қандай ишлар олиб бориляпди?

— Комбинатимизда бу йўнадан зиёдроқ шундай маҳсулот олиб келинди. Айни вақтда Россиянинг қатор корхоналари билан ҳам алоқалар йўлга қўйилмоқда. Улар билан кўпроқ маҳсулот айирбошлаш ҳисобига хом ашё ва материаллар келтириш назарда тутилаяпти.

Маълумки, сўнгги йилларда, республикамизда, умуман Ўрта Осиёнинг қатор республикаларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳажми анча камайди. Бир вақтлар биз тарнов ариқларни Тожикистон, Туркманистон республикаларига ҳам қўплаб жўнатиб турардик. Бунинг оқибатида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам қисқарди. Лекин унинг кескин қисқармаслиги ва таркиб топган малакали ишчи кучи ресурсларини сақлаб қолиш мақсадларида янги маҳсулот турларини тайёрлашни йўлга қўйишга эътибор бердик. Жумладан, кўп ғавакли темир-бетон плиталарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулот иморатларнинг қаватлари орасига қўйилади ҳамда томини ёпишда ишлатилади. Шунинг учун ҳам унга талаб катта. Биз комбинатга қум, шағал ҳамда баъзи бир бизда ишлатилмайдиган металл маҳсулотларидан жўнатамиз. Улар эса бизга зарур хом ашёлардан бўлган металл симлар юборишмоқда. Ўтган йили Қайроққумдан 250 тонна унга талаб катта. Чунки, бундай плиталарни қурилиш ташкилотлари қатори якка тартибда уйжой қураётган фуқаролар ҳам кўплаб харид қилмоқдалар.

Эшик-деразалар устига қўйиладиган тепадонлар, шлак блоклари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилганига икки йил бўлди. Бундан ташқари девор учун ишлатиладиган плиталар ишлаб чиқаришга ҳам киришилди.

— Ҳозирги давр истеъмол бозори учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма ва кичик корхоналар барпо этишни тақозо этмоқда. Комбинатда бу йўналишда қандай ишлар олиб бориляпди?

— Комбинатимизда бу йўналишда ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Мавжуд ишчи кучини сақлаб қолиш ҳамда «бандлилик» дастурини бажаришга ёрдам бериш учун янги иш ўринларини барпо этяапмиз. Яқинда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан фойдаланиб, хўжалик ҳисоби асосида фаолият кўрсатувчи қурилиш-таъмирлаш бошқармасини ташкил этдик. Бошқарма жамоаси Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида ва Навоий номли жамоа хўжалигида бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Бу тадбирнинг биз учун манфаати икки томонлама бўлмоқда. Шу хўжаликларда бажарилган иш эвазига жамоа эҳтиёжи учун турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олмоқдамиз. Чунончи, Боёвут туманидаги «Боёвут-3» ва «Тараққиёт» жамоа хўжаликлари бизга гўшт, шоли, буғдой етказиб бермоқдалар. Ўз навбатида улар биздан қурилиш материаллари ҳам олиб туришибди.

Навоий номли жамоа хўжалигидан 5, Бобур номли жамоа хўжалигидан 2 гектар қўшимча ер олиб, ишчилар учун дала ҳовлилари қурилишини бошлаб юборди. Шаҳардаги 15-механизациялашган кўчма колонна билан биргаликда Бобур номли жамоа хўжалигига сув ўтказиб берилди.

Кейинги йилларда оталиқ ташкилотлари билан ҳам самарали иш олиб борилаяпти. Жумладан, комбинатимиз «Йўлчи Маъруров» хусусий корхонасини оталиққа олди. Биз уларга қурилиш материаллари етказиб берамиз ва бунинг эвазига гуруч, ун олиб, ишчи-хизматчиларимизга тарқатаяпмиз. Бундан ташқари, Бобур номли жамоа хўжалигининг иссиқхонасини ижарага олдик. Бу ерда етиштирилаётган кўчатлар, помидор, карам, булғори қалампири, турли хил кўчатлар Бекобод тумани хўжаликларига ҳамда шаҳримиз аҳолисига сотилмоқда. Олинган даромад эса ишчиларимизни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланаяпти. Иссиқхонамизда лимон етиштириши йил сайин кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу шифобахш мева бозордагидан анча арзон нархда ишчиларимизга сотиляапти.

Яқиндан бошлаб яна бир қўшма корхона маҳсулот бера бошлади. Бу пайпоқ тўқиш бўлинмамиздир. Корхонада айни шу кунларда пайпоқ қатори аёллар калготкалари ҳам тўқилмоқда. Бу маҳсулотлар комбинат ҳузуридаги дўконда шартномавий нархда сотиляапти. Комбинатимизда нонвойхона,»Сайёра» универсал дўкони ҳам ишлаяпти.

Яқин кунлар ичида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонанинг ишга туширишни режалаштириб қўйдик. Ҳозир бунга тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Зарур жиҳозлар эса тахт қилиб қўйилди.

— Кум, шағал, тош каби бинокорлик материаллари қазиб чиқарилаётган жойлар ўрнида унча-мунча қўлга тенг келадиган сув ҳавзалари пайдо бўлганлигини кўрдик. Шу ҳавзалардан фойдаланиш ҳам назарда тутилмоқдами?

— Ҳозирги вақтда қум-шағал, тош ерга анча яқин юзадан қазиб олинмоқда. Чуқурлиги 10 метргача бораяпти. Лекин бундай хом ашёларнинг янги манбаларини ҳам қидираяпмиз. Геология-қидирув мутахассисларининг саъй ҳаракатлари туфайли ер остида бундан ҳам чуқурликда қум-шағал борлиги маълум бўлди. Кейинчалик бу чуқурлик 20-25 метрга етиши мумкин. Демак сув ҳавзаларимиз янада чуқурлашади. Бу эса улардан турли мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Шундай сув ҳавзаларини ўзлаштиришга ҳозирданоқ киришилди. Яқинда бу ерда мўйначилик хўжалиги ташкил этилди. Бу ерда етиштирилган мўйналардан кейинчалик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг учун тери-телпак ҳамда мўйна тайёрлайдиган кичик корхонанинг очилишини режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, балиқчилик хўжалиги барпо этишга киришдик. Балиқ уруғлари қўлга ташланди. Ҳадемай унинг ҳосилини ҳам олишга киришамиз. Бу тадбир келажакда комбинат ишчи-хизматчиларини, қоларверса ҳамшаҳарларимизни балиқ маҳсулотлари билан таъминлаб туришни яхшилашга хизмат қилади.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов Тошкент вилоят Кенгашининг сессиясидаги ўз нутқида бозор иқтисоди шароитлари ҳар бир жамоа саъй-ҳаракатларини беқиёс даражада кенгайтириши, боқимандалик кайфиятини бартараф этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Биз бу фикрга тўла қўшиламиз. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаслик, жамоани ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш имконини берадиган тадбирларни бундан буён ҳам муттассил амалга ошириб борамиз. Қисқаси, давримиз талаб этаётганидек, ҳар соҳада тадбиркор бўлишга, мавжуд имкониятларни қидириб топиб ишга солишга, улардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишга интиламиз.

М. МАҲМУДОВ.



Янгийўл шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли тиббиёт коллежида ўқув-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Малакали ҳамширалар тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш мақсадида бу ерда турли машғулотлар, кўриклардан кенг фойдаланилмоқда.

Суратларда: мутахассислик бўйича ўтказилаётган машғулотлар пайтида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Вилоят ҳокимлигида

ФУТБОЛ ГАШТИНИНГ ТУШМАСИН ШАШТИ

ВИЛОЯТ ҳокимлигида вилоят футбол федерацияси Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унга федерация ижроия қўмитаси ҳамда Кенгаш аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари — футбол федерациялари раислари, футболни ривожлантиришга ҳомийлик ташаббуси билан чиққан бўлим ва бошқармалар, корхона, хўжалик, ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туман спорт қўмиталари раислари, футбол жамоалари раҳбарлари таклиф этилдилар.

Йиғилишни вилоят футбол федерацияси раисининг ўринбосари Ш. Миралимов очди. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Ғафуров «Тошкент вилояти футбол федерациясининг 1994 йилги фаолияти ва 1995 йилги вазифалари» ҳақида маруза қилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, ўтган йили вилоятда халқ севган ўйинларидан бири — футболни ривожлантиришда сезиларли даражада ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футболни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида жамоалар ишини жонлантириш, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни оммалаштириш ишларига эътибор кучайди. Вилоятда футболни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Агар 1993 йилда оммавий футбол мусобақаларида 43 минг киши қатнашган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 50 минг кишини ташкил этди. Ўтган йили республика биринчилигининг олий табақасида Юқоричирчиқнинг «Политотдел» ҳамда Чирчиқ шаҳрининг «Чирчиқ» жамоалари вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилдилар. «Политотдел» бутун мавсум давомида пешқадамлар сафида борди. Бироқ, якунловчи ўйинларни бирмунча бўш ўтказиб, умумий 7-ўринни эгаллади. Вазиятдан, кучли учликка кириш имкони бор эди. «Чирчиқ» жамоаси кучлилар баҳсида ўз имконияти даражасида қатнаша олмади. Уч йилдирки, жамоа олий табақада аранг сақланиб қолмоқда. Республика чемпионатининг биринчи гуруҳида вилоятимиздан тўрт жамоа қатнашмоқда. Улар Бекобод шаҳрининг «Металлург», Чирчиқнинг «Кимёгар», Янгийўл шаҳрининг «Мебелчи», Ғазалкентнинг «Ғазалкент» командаларидир. Лекин уларнинг мавсум якунида эгаллаган ўринлари ҳам кишини қувонтира олмайди. Вилоят биринчилиги мусобақалари икки йўналишда ўтказилди. Катталар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда жами 32 жамоа иштирок этди. Қибрай туманининг «Маданият» футбол жамоаси вилоят биринчиликлари ғолибларининг ўзаро якунловчи баҳсида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи табақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу албатта, аввало мазкур жамоа хўжалиги, қоларверса, вилоят футболининг ютуғидир. Маърузачи вилоятда футболни талаб даражасига кўтариш учун хали жуда кўп ишлар қилинишини, бунинг учун жойлардаги раҳбарлар яқиндан кўмак бериши ва мусобақаларга бош-қош бўлишлигини таъкидлади.

Музокараларда «Политотдел» командаси бош мураббийси Владимир Бондаренко, Бекободнинг «Металлург» жамоаси футбол клуби раиси Ш. Йўлдошев, Қибрай тумани фахрийлар кенгашининг раиси Ж.Хоназаровлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Футболнинг ашаддий мухлиси ва жонкуярларидан бири — Жўра Хоназаров ҳар бир мусобақани чинакам байрамга айлантириш учун авволо ҳар бир раҳбарда истак ва ҳоҳиш бўлиши кераклигини қуюниб гапирди. Бир вақтлари Янгийўлдаги «Халқобод», шунингдек, Оққўрғон, Бўка, Қибрай, Зангиота, Тошкент ва бошқа туманлардаги марказий ўйингоҳларда ўтказилган ҳар бир футбол мусобақалари чинакам байрамга айланиб кетганлигини таъкидлаб, ўша яхши анъаналарни тиклашни таклиф этди.

Йиғилишда «Наврўз» байрами кунларида вилоят футбол жамоалари иштирокида вилоят турнири ўтказишга келишиб олинди ва ғолиблар учун мукофотлар таъсис этилди.

Вилоятда футболни янада ривожлантириш ва оммалаштириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленумда вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев вилоят футбол федерациясининг раиси, вилоят ҳокими муовини Х. Х. Ҳамидов ва вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Р. С. Усмоновлар раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИДАН ҚАЧОН ҚУТИЛАСИЗ?»

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 25 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган эди. Унда, жумладан, Олмалиқ шаҳридаги магазинларда аҳолини кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар рўй-рост айтилган эди. Мазкур мақолага «Олмалиқсавдо» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Р. Бердиқулов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда, хусусан шундай дейилади:

«Тошкент ҳақиқати» газетасида босилиб чиққан мақола «Олмалиқсавдо» ҳиссадорлик жамияти кенгашининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди. Унда фаолияти танқид қилинган қатор дўконлар иши яна бир бор таҳлил этилди. Вилоят солиқ бошқармаси ҳамда таҳририят ходимлари билан биргаликда текширув пайтида аниқланган камчиликлар тўғри деб топилди. Чиндан ҳам шаҳардаги 45-, 19-, 35-, 64-, 42-, 11- ва бошқа қатор магазинларда доим бўлиши лозим бўлган ўсимлик ёғи, қанд-шакар, туз, ун, макарон маҳсулотлари сингари товарлар таъминотида узилишлар бўлганлиги тан олинди. Хўжалик совуни, гугурт каби маҳсулотлар кечикиб олинганлиги боис вақтида тарқатилмаган.

Ўз фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун А. Холбоев, В. Алёхина, Е. Каширина каби магазин мудирлари ишдан бўшатилдилар. М. Қаюмов, Г. Хайирова, З. Тулебаевларга ойлик маошларининг 20 фоизи даражасида жарима солинди. Дўкон мудирлари М. Рустуллаева ҳамда Р. Шульгиналарга шахсий варақасига ёзиш шарти билан хайфсан эълон қилинди. Савдо бўлими мудири Н. Раштанова зиммасига савдо корхоналарида қонун-қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.»

ҚИСҚА САТРЛАР

КОПЕНГАГЕН. Дания мудофаа вазири Ханс Хеккеруп 1995 йилда Польша, Эстония, Латвия ва Литва билан ҳарбий ҳамкорлик учун 35 миллион крон ажратиш режалаштирилаётганини айтди. У мамлакат парламентидан шунча миқдорда маблағ ажратилишини сўраган.

Бу маблағ биргаликда машқлар ўтказишга, юқорида қайд этилган мамлакатлар ҳарбийлари учун ўқув машғулотлари ташкил этишга сарфланади.

***

КОҲИРА. Миср пойтахтида Ироққа қарши коалицияга кирган саккиз араб мамлакати ташқи ишлар вазирларининг кенгаши очилди. Миср, Сурия, ва Форс кўрфази мамлакатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари минтақадаги хавфсизлик муаммолари, жумладан, ядровий қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилади.

***

ТОКИО. Миср ташқи ишлар вазири Амр Муса «Асахи» газетаси мухбири билан суҳбатда Яқин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш жараёни барбод бўлиш арафасидалигини айтди. У Исроил билан Фаластин ўртасида ўзаро ишончсизлик кучаяётганини, Фаластин мухторияти ҳақидаги битим эса «боши берк кўчага» кириб қолганини таъкидлади.

***

МЕХИКО. Мексика президенти Эрнесто Седильо Чьяпас штати исёнчиларига мурожаат этиб, «ўз талабларини амалга ошириш учун сиёсий йўл билан курашиш»га даъват этди. Президент мамлакатда барча партиялар билан биргаликда «янги демократия» қуришга тайёрлигини билдирди.

(ЎзА).

ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИР КИШИНИНГ ИШИ

«Табиат ва инсон»

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгандан сўнг экологик муаммоларни ҳал қилиш биринчи даражадаги вазифалар қаторига қўйилди. Шу туфайли ҳам кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қатор фармонлар, қонунлар, дастурий ҳужжатлар чиқарилди. Вилоятимизда уларни амалга ошириш қандай бормоқда? Ўтган йили эришилган ютуқлар ва бу йилги вазифалар нималардан иборат? Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида фаоллар иштирокида ўтган йиғилишда шу масалалар атрофлича ва қизғин муҳокама қилинди.

Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев ўз маърузасида ва музокарада қатнашган нотиқлар шуни таъкидладиларки, ўтган хўжалик йилида экологик аҳволни яхшилаш соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Қўмитага қарашли минтақавий ва туман органлари сони кўпайди. Илгари ҳар бир худудий қўмита бир қанча туманлардаги экологик ҳолатни назорат қилар эди. Эндиликда ҳар бир туманда ва шаҳарда алоҳида шундай қўмиталар ишлаб турибди. Бундай фаолият юритиш олдинги даврдаги турли хил чалкашликларга хотима берди.

Ҳозирги вақтда вилоятимизда экологлар назорати остида 1500 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар бор. Уларнинг кўпчилигида табиатни муҳофаза қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу туфайли атроф-муҳит ҳавосини ифлослантирмаслик, оқавани камайтириш, сув манбаларини муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш соҳасида муайян натижаларга эришилди. Жумладан кенг кўламда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари, ўтказилган ва ўтказилаётган экологик экспертизалар ҳам бунга ёрдам бермоқда.

Бироқ табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳали камчиликлар жуда кўп. Масалан, атроф-муҳит ҳавосини ифлослантириш муаммосини олиб кўрайлик. Вилоятдаги 15 тадан ортиқроқ бўлган йирик корхоналар ҳавони булғатишга ниҳоятда кўп «ҳисса» қўшмоқда. Шундай чиқимларнинг 90 фоизи уларга тўғри келмоқда. Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, металлургия концерни, кимё мажмуаси, қурилиш саноатига қарашли корхоналар шулар жумласига киради. Улар ҳамон ҳавони чанг, азот оксиди, азот икки оксиди, аммиак, феноль, олтингугурт бирикмалари ва бошқа заҳарли моддалар билан ифлослантирмоқдалар. Бу корхоналар ва ташкилотларда бундай моддаларнинг тарқалишини камайтиришга қаратилган тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Лекин уларни етарли деб бўлмайди.

Сув манбаларини муҳофаза қилиш юзасидан ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Текширишлар, жарима ва товонлар солиш кўпайди, сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатномаларни кўриб чиқиш ортди. Чунончи, ҳозирги вақтда шундай ҳужжатга эга бўлиши лозим бўлган корхоналарнинг 80 фоиздан ортиғи рухсатномалар билан ишламоқда. Лекин Чирчиқ «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, каноп корхоналари, паррандачилик ва чорвачилик мажмуалари сувни кўп миқдорда ифлослантиришни давом эттирмоқдалар. Юқоричирчиқ каноп заводида эса кўзбўямачиликка йўл қўйилди. Бу ерда оқава сувларни оқизиш 1992 йилдаёқ тўхтатилди, деб ҳисобот берилган эди. Бироқ, ўтказилган текшириш унинг сохталигини фош этди. Корхона очиқ ариқ орқали оқаваларни Чирчиқ дарёсига оқизишни давом эттираётган экан.

Шуниси ачинарлики, чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларида ифлос оқаваларни камайтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетяпти, бунинг устига мавжуд тозалаш иншоотлари эскириб кетган.

Ўтган йили ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалалари ҳам диққат марказида турди. Ўтказилган текширишлар натижасида 132 марта қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Айбдорларга нисбатан турли хил чоралар кўрилди, жарималар солинди, улар масаласи маъмурий органларга ҳавола этилди. Ҳайвонот дунёсига келтирган зарарни қоплаш учун деярли 30 минг сўм миқдорида товон пули солинди.

Вилоятимиз худудида 250 дан ортиқ ҳайвонот, 3 мингдан ортиқ ўсимлик ва 48 та балиқ тури мавжуд. Уларни ҳар томонлама асраб-авайлаш зарурлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

— Банкларда тўловлар ҳаракатининг сустлиги ҳисобидан муҳофаза қилишга ёрдам берувчи тадбирларни амалга оширишга ҳам тўсқинлик қилмоқда, — деди Бекобод минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Э. Раҳматов. — Шу сабабли Ўзбекистон металлургия заводи, Бекобод цемент комбинатида табиатни муҳофаза қилиш иншоотлари ва мосламаларини вақтида фойдаланишга топширишнинг иложи бўлмаяпти. Металлургия заводида газ тозалаш участкасини қайта қуриш деярли тўхтаб қолди. Таҳлилхоналарда зарур асбоб-ускуналарнинг йўқлиги ҳам ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз ҳаво, сувнинг ифлосланиш даражасини дарҳол таҳлил қила олмаяпмиз. Натижада ўз вақтида чоралар кўришда қийналяпмиз.

— Комбинатимизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари олиб борилмоқда, лекин уларни етарли деб бўлмайди, — деди ўз сўзида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош инженери В. Аранович, — ишлаб чиқилган қатор лойиҳалар амалга ошмаяпти. Бу асосан зарур асбоб-ускуналарнинг йўқлигига бориб тақаляпти. Уларни МДҲ мамлакатларидан олиб келиш ниҳоятда мураккаблашиб кетди. Лекин шунга қарамай, муайян ишлар амалга оширилади. Бу йил ҳам атроф-муҳитни ифлослантиришни 6 минг тоннага камайтирамиз.

Музокараларда Олмалиқ минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ш.Шоносиров, Қўйичирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Орифжонов, Ўзбекистон Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Аббосхонов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

М. МИРҲАМИДОВ.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ФИДОЙИЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Фашизмга қарши қирғин-барот уруши тугаган вақт биздан қанчалик узоқлашмасин, халқимиз қалбида қолган жароҳатлар ҳар сафар янгилангандек бўлавераді. Кимдир азиз жигарбандини, кимдир падари бузрукворини ва ўша даврда келинчак қолган яна кимдир севикли ёрини ҳанузгача кутади. Ҳар ғалаба байрамида уларнинг дарди янгиланавераді...

— Бу уруш барча халқлар қатори бизга ҳам жуда қимматга тушди, — дейди Чиноз туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси Шарифхон Ашрапов, — Туманимиздан 13338 нафар навқирон йигит урушга жўнади. Шулардан 3657 нафари қайтиб келмади. 484 жангчимиз бедарак йўқолди. 10 мингга яқин чинозлик урушдан омон қайтган, уларнинг орасида ногиронлари бор эди. Ҳозир эса ана шу 10 минг кишидан 47 нафаригина ҳаёт. Биз имкон қадар улар ҳолидан хабар олиб турамиз, иззат- ҳурматларини жойига қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Республикамиз ҳукумати томонидан кекса авлодга жуда катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги уларни айниқса ҳурсанд этмоқда. Президентимизнинг «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан республика Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги қарорлар қабул қилдилар. Бу улуғ санага муносиб тайёргарлик кўриш борасида вилоят ҳокимлигининг қарори асосида туман ҳокимлиги ҳам ўз тадбирларини ишлаб чиқди. Ҳозирги кунда ана шу тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда.

«Номаълум аскар» ёдгорлиги атрофини тартибга солиш ва бошқа ҳайкалларни асраб-авайлаш чоралари кўрилмоқда. «Номаълум аскар» ҳиёбонидаги ёдгорлик лавҳасига ҳалок бўлган аскарларнинг ёзилмай қолган номларини ёзиш ҳам режалаштирилди.

Шунингдек, туман қишлоқ хўжалиги ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари уруш ва меҳнат фахрийларига санаторийларда даволаниш ва дам олиш учун бепул йўлланмалар ажратдилар.

Х. ШЕРОВА.

АВТОКОРХОНАДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

ПАРКЕНТ автобус таксомотор саройи ҳузурида тикувчилик цехи ташкил этилди. Бунинг натижасида 20 киши иш билан таъминланди. Цехда ҳозир аёллар халати, кўрпа тикилмоқда. Тайёр маҳсулотлар корхона учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларга алмаштириб келинмоқда. Келгусида цехда аёлларнинг ички кийимлари, пахтали чопонлар тикиш ҳам йўлга қўйилади.

- Шу қисқа муддат ичида қарийб 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, - дейди корхона директори Анвар Эшматов. - Шундан 300 минг сўми корхонага соф фойда бўлиб тушди.

М.КУЧҚОРОВ.

«НАВРЎЗ» Савдо-ишлаб ғиқариш мажмуи

Махсус гуруҳларга официантлар шогирдларини қабул қилади.

18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар қабул қилинади.

Стипендия тўланади.

Ўқитиш муддати - 3 ой.

Ўқиш 1-декабрдан бошланади

Энг кам иш ҳақи – 500-1000 сўм

Телефонлар: 45-39-41, 45-42-33

Манзилгоҳимиз: Фурқат кўчаси, 5. Метронинг «Халқлар Дўстлиги» бекати, 6, 7, 12, 14, - троллейбуслар, 51, 151, 13, 153 - автобусларнинг «Беш-ёғоч» бекати.

45-39-41, 45-42-33

С. Раҳимов туманига қарашли Кичик корхона «Фикр»

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 2 ҳафта давомида қабул қилинади. Телефон: 48-52-68.

Миробод туманига қарашли ЛТД «Назар — Сервис»

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар икки ҳафта давомида қабул қилинади.

Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди

БОҒДОРЧИЛИКДА ҲАМ ИСЛОҲОТЛАР ЗАРУР!

ВИЛОЯТ БОҒДОРЧИЛИГИ, УЗУМЧИЛИГИДАГИ НОЧОР АҲВОЛНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАДБИРИЙ ЧОРАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЕРАК

Боғдорчилик, узумчилик бизга отабоболаримиздан қолган қадимий, эъзозли, шарафли касб. Уларнинг бу удумларини давом эттириб, тажрибаларини бойитиб, қўлланиб келаётган миришкор соҳибкорлар, боғбонлар бизда оз дейсизми? Улар меҳнат қилаётган ҳудудларда, хўжаликларда бўлсангиз, жаннатмакон боғ-роғларни кўриб ҳавасингиз келади. Ширин-шакар меваларни тотиб кўриб, отангизга раҳмат, дейсиз. Маҳоратларига, тажрибаларига қойил қоласиз, таҳсинлар ўқийсиз. Ана шундай фидойи, жонкуяр боғбонларнинг меҳнати туфайли вилоятимизда ҳам бу тармоқни ривожлантириш соҳасида ўтган йиллар мобайнида катта ишлар қилинди. Лекин афсуски, кейинги йилларда бу соҳа оқсай бошлади. Нега? Ахир қишлоқ хўжалигини иқтисослаштириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд бўлган бир шароитда нима учун бу муҳим тармоққа эътибор сусайди? Ҳосилдорлик кескин камайиб кетди?

Мухбиримиз таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд МИРЗАЕВ билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Боғни боқсанг боғ бўлар...

— Қарамасанг юракка доғ бўлади..,— деб гапни илиб кетди Маҳмуд Мирзаевич.

— Дабдурустдан гапни индаллосидан бошлаганимизнинг сабаби бор, албатта. Тупроғи олтин, таёқни суқиб қўйсанг, униб, мева берадиган қуёшли ўлкамизда, вилоятимизда юракка доғ бўладиган боғларнинг кўпайиб қолганлиги кишини ташвишга солади. Мана сиз боғбон олимсиз. Хизмат юзасидан ўзингиз ҳам, илмгоҳнинг ходимлари ҳам тез-тез хўжаликларда бўлиб туришади. Қаерда аҳвол қандайлигини яхши биласизлар. Беш қўлдек маълум. Шундай эмасми?

— Жуда тўғри. Нафсиламбирини айтганда бизни ҳам бу аҳвол кўпдан буён ўйлантириб келмоқда. Баъзан бунинг учун ўзимизни айбдордек ҳис қиламиз. Ўтган йили боғ ва токзорларга қаровни яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида илмгоҳимиз ва унинг вилоят ҳудудида жойлашган илмий муассасалари ходимларидан бир гуруҳи Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Тошкент, Чиноз, Қибрай ва бошқа туманларда бўлдилар. У ерлардаги боғ ва токзорларни синчковлик билан текшириб, ҳолатини ўргандилар ва вилоят бўйича умумий хулосага келдилар. Таҳминлар шуни кўрсатдики, вилоятда тармоқни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, мева-чевани сақлаш, қайта ишлаш базасини ривожлантириш, боғ-роғларни кенгайтириш, фермер хўжаликларни ривожлантириш, меҳнатни ташкил этишнинг самарали усулларини жорий этиш юзасидан бирмунча тадбирлар амалга оширилган.

Лекин, масалага ҳозирги кун талаблари билан ёндошадиган бўлсак, булар қаноатланарли эмас, албатта. Вилоятда тармоқдаги аҳвол ниҳоятда ночор бўлиб қолган. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисоллар келтираман. Вилоятда ҳаммаси бўлиб 36 минг гектар боғ бўлса, шундан 20 минг 438 гектари ҳосил беради. Жамоа ва давлат хўжаликларида уч йилда ўртача ҳосилдорлик боғларда 32,3 центнерни узумзорларда 43,8 центнерни ташкил этди. Лекин, шундай туманлар борки, уларнинг ҳосилдорлиги вилоятнинг ўртача ҳосилдорлигидан 2 — 3 ҳисса кам. Қаранг, Оққўрғон туманида ҳар гектар узумзордан бор-йўғи 2,4 центнердан, Бекобод туманида эса 1,8 центнердан ҳосил олинибди. Пискент туманида эса, бу кўрсаткич 3,5 центнерга аранг етибди. Буни қандай тушуниш керак? Бу ерларда ҳақиқий боғбонлар борми ўзи? Ўртачирчиқ туманида боғ-роғларнинг ҳосилдорлиги 12,5 центнерни, Янгийўлда 11,6 центнерни, Бўстонликда 10,5 центнерни ташкил этганлигини қандай баҳоласа бўлади?

— Бу кўрсаткичларга ишонгинг келмайди. Наҳотки, деб ёқа ушлайсан...

— Афсуски бу факт. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Хўш, бунинг асосий сабаблари — илдизи нималардан иборат?

Ҳамма иллат соҳага эътибор берилмай қўйилганлигидадир. Шунинг учун ҳам мавжуд боғ-роғларни парваришлаш агротехникаси бузиляпти. У ерларда ҳақиқий, ўз касбининг устаси бўлган боғбонлар йўқ. Чунки, тажрибали, моҳир мутахассислар қарилик нафақасига чиқиб кетгач, уларнинг ўрни ҳувуллаб қолган. Ўринбосарлар тайёрлаш масаласи билан эса мутасаддилар, раҳбарлар шуғалланишмай қўйишган. Ёшлар бу ишга жалб этилмаяпти. Мураббийлик ҳаракати сусайиб кетган. Шунинг учун ҳам боғлар қаровсиз бўлиб қоляпти. Ўз вақтида дарахтларга шакл берилмайди, озиқлантирилмайди. Касалликка чалинтириб қўйилади. Зараркунанда, хашаротларга қарши курашилмайди. Оқибатда бундай боғлардан жуда оз миқдорда ва ниҳоятда сифатсиз ҳосил олинади.

Иккинчидан, қоғозда палон гектар ерда, шунча майдонда боғ бор, узумзор бор, деб ўзимизни-ўзимиз алдаймиз. Ваҳоланки, бу боғ-роғларда гектарлар тўла эмас. Сийраклашиб кетган. Хатоси кўп. Айрим ерларда хато 15 — 20 фоизни ташкил этади. Энди ҳисоб китоб қилиб кўрайлик. 100 гектар майдондаги боғнинг хатоси 20 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолатни жуда кўп туманларда учратиш мумкин. Демак, ана шу хато ҳисобига 100 гектар майдонда 20 гектар ер йўқотиляпти, исроф бўляпти, экилмай қоляпти. Ўт босиб ётибди. Агарда ана шу 20 гектар боғдан лоақал вилоятнинг ўртача кўрсаткичи миқдорида ҳосил олинганда эди қўшимча 700-800 центнер мева-чева олинган бўларди. Бу мева-чева эса йўқ. Агар уни вилоят миқёсида жамлайдиган бўлсак, ҳозирги мавжуд боғ-роғлардан йилига қанчадан-қанча қўшимча ҳосил олинмай қолаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, мева-чева билан таъминлаш ғоят долзарб вазифа бўлиб турган ҳозирги шароитда бундай аҳволга ортиқ йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Зотан, вилоят кенгаши сессиясида ҳам тармоқдаги аҳвол ҳақли равишда танқид қилинди. Вилоятда кейинги ўн йил давомида мева-узум етиштириш қарийб икки баравар камайиб кетганлиги, айни пайтда аҳоли сони деярли 300 минг кишига кўпайганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, Янгийўл туманидаги Усмон Юсупов номли Халқобод ишлаб чиқариш бирлашмасида бундан 10 — 12 йил илгари 40 минг тонна мева-чева маҳсулотлари етиштирилганлиги, ҳозирги кунда эса бу кўрсаткич кескин пасайиб кетганлиги танқид қилинди. Сиз таниқли боғбон-олим сифатида вилоятимиз боғдорчилиги, узумчилигидаги ночор аҳволни яхшилаш учун қандай тадбирий чоралар кўрилишини тавсия этасиз?

— Мавжуд боғ-роғларда ҳосилдорликни тезроқ ошириш, ялпи маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш ва айни пайтда унинг сифатини яхшилаш учун вилоятда катта имкониятлар, фойдаланилмаётган резервлар бор.

Энг катта резерв — бу боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга нисбатан хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишдан иборатдир. Ана шунга эришилса боғ-роғларга бўлган муносабат ва уни парваришлаш ишларини ҳар жиҳатдан яхшилаш мумкин бўлади.

Аввало яқин йиллар ичида боғ ва токзорларнинг хатосини тўлдириш, шу билан бирга кам ҳосил берадиган, қариб қолган мевали дарахтларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига истиқболли, тез ҳосилга кирадиган мева-чева навлари кўчатларини экиш муҳимдир. Бу билан боғ-роғларда гектарларнинг тўла бўлиши ҳам таъмин этилади. Янги кўчатларни экиш жараёнида деҳқон ва фермер хўжаликлари билан бир қаторда техникалардан, фан ва тажриба ютуқларидан самарали фойдаланиш имкониятини берадиган боғ ва токзорларни, албатта, сақлаб қолиш ғоят зарурдир.

Тоғ олди ва тоғли минтақалар — Паркент, Бўстонлиқ, Оҳангарон туманларида фойдаланилмаётган ерлар кўп. Ана шу ерларни ўзлаштириб, янги боғ ва токзорлар ташкил этиш керак. Бундай минтақаларда ишчи кучлари етарли, улардан фойдаланиб, бу ҳудудларга меванинг ҳам, узумнинг ҳам сархил, аҳоли севиб истеъмол қиладиган навларини, данакли, уруғли мевазорларни ,айниқса, ёнғоқзорлар, пистазорлар, бодомзорларни кўплаб майдонларда ташкил этиш мумкин. Ана шу йўл билан ерлардан фойдаланишнинг самарадорлиги ортади. Хўжаликлар иқтисослаштирилади. Маҳаллий аҳоли иш билан таъмин этилади. Энг муҳими беғубор, сифатли мева-чева етиштирилади.

Кўп жойларда узумлар темир-бетон устунларга ўз вақтида олинмайди. Бунинг оқибатида токлар касалликка чалиниб, ҳосилдорликка путур етмоқда. Шунинг учун ҳам жойларда темир бетон ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ҳамма ерда токларни темир-бетон устунларга кўтаришни тугаллаш зарур.

Ҳамма ерда боғ ва токзорлардаги иш жараёнларини мумкин қадар механизациялаштириш, бунинг учун эса бор техникалардан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланишга жиддий эътибор талаб этилади. Шунинг учун ҳам боғдорчиликда ишлатиладиган техникаларни таъмирлайдиган устахоналар ташкил этишни йўлга қўйиш керак бўлади.

Ўрмон хўжаликлари имкониятларини ҳам ишга тушириб, бу худудлардаги ўстирилаётган мева-чевалар қандай парвариш қилинаётганлиги ва олинаётган ҳосилни ҳисоб-китоб қилиб бориш, назорат ўрнатиш ҳам умумий ҳосилни кўпайтиришнинг омилларидан ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан майда-чуйда боғ ва токзорларни хусусийлаштиришни тезлаштириш талаб этилади. Бу соҳада илмий-ишлаб чиқариш бирлашмамиз махсус Низом ишлаб чиққан. Бу низомга амал қилиш фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлайман. Боғдорчиликда меҳнатни ташкил этишнинг энг муҳим, энг мақбул шароитга, худудга, боғбонларнинг имконияти-ю, тажрибаси, малакасига мос усулларни танлаб олиш, қўлланиш ва жорий этиш ғоят муҳимдир. Ана шуни ҳисобга олиб биз тавсиялар ишлаб чиққанмиз. Бу тавсиялар вилоятларга тарқатилган. Ҳамма гап уларни пухта ўрганиб жорий этилишидадир.

Агар яхоб берилса дарахт илдизи амал олиши анча орқага сурилади. Бундан ташқари ҳар хил касалликлар йўқ бўлиб кетади. Бунақа тадбирлар анчагина. Ўрикзорларни эрта баҳорда тўтиёга оҳак аралаштириб, суви пуркалса ёки селитрага гўнг аралаштириб, 30 — 40 сантиметр чуқурликка солинса, бу тадбирлар ҳам дарахтларнинг илдизини совутади, демакки гуллаш, ғунчалаш жараёнлари бир ҳафта-ўн кунга кечикади. Бундан ташқари катта боғлар ва токзорлар атрофига, шимол тарафга ихота дарахтларини, дейлик, теракларни қалин қилиб экиб қўйиш керак. Бир ўқ билан икки қарғани урган бўламиз. Бу ихота теракзорлари мева-чевани совуқдан, гармселдан асрайди. Ўз навбатида етилган теракларни орасидан олиб қурилиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлади.



— Мен бир хўжаликда бўлганимда боғбонлар сўзга чиқишиб, чамамда токларни барвақт очиб қўйяпмиз, бу масалада шошқалоқлиқ қилиш керак эмас, дейишганди. Ота-боболаримиз ҳавонинг тафтига қараб, токни очишган. Тўғри, бу маҳалга келиб, токларнинг куртаклари бўртиб қолади. уни очиш ва тараш пайтида унча-мунчаси тўкилиб кетади. Лекин асосий ҳосил сақлаб қолинади-ку.

— Тўғри гапни айтдингиз. Менинг отам ҳам боғбон бўлган. Шу денг, баҳор келгач, доимо сўраб турардилар: Кўк қарға келдими? Ҳа, келди. Ундай бўлса, токни очаверинглар. Ҳозир яхши эслайман, кўк қарғанинг келиши кўпинча апрель ойига тўғри келарди.

— Хўп, майли, мевазорларни совуқдан ҳам асрадик, дейлик. Иложини қилдик, дейлик. Албатта, бу билан ҳамма муаммо ҳал этилмайди. Кузатишлар, текширишлар, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, зўр бериб меҳнат қилингани билан ҳар хил касалликларга қарши кураш ўз вақтида амалга оширилмайди. Бепарволик, масъулиятсизлик қилинади. Оқибатда яхши гуллаб, шиғил туккан мева-чевалар пишиб етилмай қурт тушиб, буришиб тўкилиб, чириб нобуд бўлади. Омон қолганларини эса, териб олгач ҳам уни яхши сақлай олмаймиз. Бунга нима дейсиз?

— Аввало ҳар бир боғбон ихлос, меҳр билан ишлаши, касбини эъзозлаши, мумкин қадар сифатли ҳосил етиштиришга ҳаракат қилиши керак. Сифатли, бўлали, ширали ҳосил олинсагина, уни сақлашга қўйиш ва узоқ асраш мумкин бўлади. Афсуски, ҳамма хўжаликларда ҳам бу масалага етарли эътибор берилмайди. Музхоналар етишмайди. Лекин, мева-чевани, узумни сақлашда халқ усулини қўлласак бўлади-ку. Бу усуллар ишончли, унча кўп маблағ талаб ҳам қилмайди. Мен водийда бўлганимда анорни сақлашнинг антиқа усули билан танишиб, боғбонларнинг топқирлигига қойил қолганман... Тепароқ жойда тандирга ўхшатиб чуқур ўра ковлашди. Сўнг бу ўрага ўтин қалаб ёқишди. Бор қурт-қумурсқа, ҳашаротларни қуйдириб юбориш учун шундай қилинар экан. Ана шундан кейин анорни бирма-бир тахлаб, орасига қипиқ ва қум сепилади. Сўнг кўмиб қўйилади. Бу усулда анор узоқ вақт худди узиб олингандек сақланар экан.

Узумни сақлашнинг ҳам ишончли йўли бор. Тўрт томонидан туйнуклар очиб қўйилган ярим ўрали уй қурилади. Узум пишгач, аввало, унинг навдалари қирқилиб, уйга олиб кирилиб шифтга осилади. Узум бошлари тепадан пастга қараб ана шу навдаларга боғлаб чиқилади. Шу усулда уй узумга тўлдирилади. Тагига қипиқ ва қум сепиб чиқилади. Ҳар ҳафтада бу қипиқ устига обпуркагичда сув сепиб турилади. Бу орада олтингугуртни тутатиб туришни ҳам унутмаслик керак. Касалликлар йўқ бўлиб кетади. Ана шу усулда узумни март-апрель ойигача худди ишкомдан узиб олингандек сақлаш мумкин.

Афсуски, хўжаликларда бунга эътибор берилмайди. Хафсала йўқ, ихлос йўқ. Тайёрлов идораларининг раҳбарлари ҳам жонларини қойитишни истамайдилар. Бу ёқдан олишса-ю, дарров сотиб юбориб пул қилишса.

Айтгандек, ҳашаротга қарши кураш тадбирларини унутибмиз. Ҳозир бизда чет элдан келтирилган жуда ишончли дорилар бор. Боғбонлар марҳамат қилиб олишлари мумкин. Ана шу дорининг кўпи билан 300 грамми билан бир гектар майдондаги токзорга ишлов берилса, бу токзорга раға, кул касаллиги умуман йўламай қўяди. Дорининг пулидан қочмаслик керак. Бир сўм сарфласангиз, 10 сўм бўлиб қайтиб келади. Бундан ташқари ниҳоятда соф мева-чева етиштириш мақсадида зараркунандаларга қарши курашда биологик усулдан фойдаланишга ҳам ўтишимиз керак. Ҳозиргача бу усул пахтачиликда, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида қўлланиб келинаяпти-ку. Маълум бўлишича, олманинг ҳам, узумнинг ҳам, бошқа меваларнинг ҳам зараркунанда-хашаротлари қушандаси бор. Лаборатория ташкил этилиб, ана шу қушандаларни кўпайтиришга киришдик. Бу қушандалар айни зараркунанда хашаротлар уруғлаш, кўпайиш пайтида қўйиб юборилади.

— Яхши тавсиялар, яхши тажрибалар, маслаҳатлар. Лекин, деҳқончиликда бўлганидек, мевачилик ва узумчиликда ҳам ҳосилдорликнинг ошиши бериладиган ўғитларнинг нисбатига боғлиқ. Ҳамма чора тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса-ю, лекин мевали дарахтларга, узумларга солинадиган минерал ўғитларнинг меъёрларига амал қилинмаса, нисбати бузилса, меҳнат зое кетаверади-да. Ҳозирги шароитда эса, минерал ўғитлар нархи қимматлашиб кетган. Ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармайди.

— Бу тўғри. Лекин, ўғит йўқ, деб қараб туриб ҳам бўлмайди. Халқимизда сув йўғида таяммум деган гап бор. Бу дегани иложини топиш мумкин дегани. Биз олимлар бу масалада ҳам изланяпмиз, бош қотиряпмиз, тажрибалар ўтказяпмиз. Дастлабки натижаларга ҳам эришдик: боғлар қатор орасига август ойида доккали экинлар — нўхотнинг «Никкелсон», «Победа» сингари навлари сули, рапсга аралаштириб экилади, суғорилади. Бу борада экин ёмғир сувидан ҳам баҳра олади, қишлайди. Баҳорда гуллаш олдидан эса, бу экинлар ҳайдалиб, тупроққа аралаштириб юборилади ва у чириндига айланади. Ана шу чиринди100 — 120 килограмм азот, 60 — 80 килограмм фосфор, 60 — 70 килограмм калийнинг ўрнини босади. Бу қилса бўладиган иш-ку. Ҳам ўғит ташвишидан қутиласиз, ҳам тупроқ тозаланади. Экологик соф ҳосил олинади.

— Маҳмуд Мирзаевич — бир вақтлари қанд-курс, ҳар хил кимёвий усуллар билан тайёрланган ширинликлар бўлмаган. Ота-оналаримиз ўз фарзандларини эрталаб нонуштада туршак, майиз, жийда, мева қоқилари бериб сийлашган. Ҳозир эса бундай маҳсулотлар анқонинг уруғи. Бори ҳам қиммат. Нега шундай? Ахир, туршак, майиз, жийда, нок ва олма қоқилари каби қуруқ меваларнинг турган битгани дармон дори-ку?!

— Нимасини айтасиз. Хорижий давлатларда биласизми, туршакни дорилик учун ёзиб беришади. Дорихонадан олишади. Демак, бу соҳада ҳам биз оқсаяпмиз, ҳафсаласизлик қиляпмиз. Мўл-кўл мева-чева етиштирамиз-у, лекин унинг бир қисмини қоқи қилиб, майиз қилиб, туршак қилиб олишни яхши билмаймиз. Ваҳоланки, бу соҳада ҳам халқ усуллари, ноёб анъаналари бор. Бундан ташқари механизмлардан фойдаланиб ҳам мевани қуритиш мумкин. Бирлашмамизда қуруқ мева тайёрлайдиган мосламадан фойдаланяпмиз. ЭСКО — 70 машинаси ҳам бор. Бир кеча-кундузда 6 — 7 тонна узумни қуритиб майиз қилиб беради.

Хўп майли бу механизмлар қиммат. Уни сотиб олиш учун имконият йўқ, дейлик. Лекин, полиэтилендан каттами-кичик палатка қилиб, ана шу палатканинг ичига яна полиэтилен пленкасидан қат-қат сўрилар ясаб, унинг устига узумни ёйиб қуритса, майиз қилса бўлади. Бундай майиз ҳам ширали, ҳам тўйимли, ҳам сифатли, ҳам тоза бўлади. Бундан ташқари халқ усули ҳам қулай. Тепароқ ерга пахса деворли иморат қурилади ва узум ана шу иморат ичидаги сўриларга ёйиб қуритилади. Ёйишдан олдин ишқорли иссиқ сувга солиб олинади. «Сояки», «Паркент» навларидан шу хилда жуда яхши майиз олса бўлади. Олимларимиз томонидан яратилган узумнинг майизбоп «Сабза» нави борки, ундан жуда чиройли кўм-кўк, сифатли узум майизи чиқади. Бундай майизга чет элда ҳам жуда кўп талабгорлар бор. Улар бизга қанча бўлса етказиб беринглар, валютага сотиб оламиз дейишяпти. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтилаётган шароитда нега бундай имкониятлардан фойдаланмаймиз. Ахир ҳар бир хўжаликда 20 — 30 гектар узумзорни ана шу мақсад учун ажратиб қўйса бўлади-ку. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар нима учун ҳафсаласизлик қилишади?

— Ҳадемай, кўклам ҳам бошланади. Кўчат экиш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказиш керак. Табиийки, бу ишнинг самарали ва кўнгилдагидек ўтиши сизларга, сизлар етказиб берадиган кўчатларга ҳам боғлиқ.

— Албатта-да, ахир биз бевосита ана шу хайрли ишга даҳлдормиз-ку. Ҳар йилдагидек бу йил ҳам мавсумга яхши тайёргарлик кўрдик. 10 миллион туп мева, 5 миллион туп ток кўчатларини тайёрлаб қўйганмиз. Бу 20 минг гектарга етади. Узумнинг 1100 нави бор. Кейинги йилларда биз халқимиз томонидан эъзозланиб келинган, лекин йўқолиб бораётган узум навларини тиклашга ҳам катта эътибор бердик. Ҳозир уларнинг сони 450 тага етди. Мева-чеванинг ҳам нави, хили кўп. Масалан, ўрикнинг 450 хил, шафтолининг 380 хил нави бор. Ҳар бир ташкилот, муассаса, хўжаликлар, хонадонлар , ҳаваскор боғбонлар, фермер деҳқон хўжаликлари вакиллари биздан хоҳлаган навдаги кўчатларини керагича сотиб олишлари мумкин. Биз етиштирган кўчатларни Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Украинадан келиб сотиб олиб кетишади.

— Кечирасиз, шу ўринда бир мулоҳазани айтишга тўғри келади. Айрим деҳқонлар, боғбонларнинг нолиб гапирган сўзларини эшитганман: Шредердан олган кўчатларимизнинг айримлари яхши чиқмади. Олхўри деб олгандик, олча чиқиб қолди. Гилосни жуда мақтаб беришган эди олчасимон экан. Пастдек бўлиб ўсадиган мевалардан яхши ҳосил олмаяпмиз...

— Мен бундай эътирозларга қўшилмайман. Негаки, бизда ҳар бир нав, ҳар бир кўчат учун, пайванд учун масъул одамлар бор. Пайвандланиб етиштирилаётган кўчатзорларга қайси нав эканлиги, ёши, хусусиятлари ёзилган ёрлиқлар осиб қўйилади. Ана шу майдонга жавобгар одам бор. У ўзи етакчилигида тайёрланадиган кўчатларга кафолат бера олади. 5 — 10 йилгача жавоб беради. Агар кўчат яхши чиқмаса, ҳатто, пулини қайтариб беришимиз ҳам мумкин.

Энди пастдек бўлиб ўсадиган мева дарахтларига келсак, айб ўзларида. Буни боғбоннинг масъулиятсизлиги, тажрибасизлиги деб биламан. Аввало, қайси ерга, қайси майдонга, қай томонга, қайси навдаги, қайси хилдаги кўчатни экишни ва уни парваришлаш агротехникасини яхши билиш керак. Афсуски, кўп ҳолларда бунга эътибор беришмайди. Пала-партиш экишади. Ахир бири иккинчисидан ,нангланадиган мевалар ҳам бор-ку. Нега буни ҳисобга олмаслигимиз керак. Ана шу пакана мева кўчатларини экиб, серҳосил қилиб ўстириб, юқори ҳосил олаётган хўжаликлар озмунча-ми! Қуйичирчиқ туманидаги М. Отажонов номли хўжаликда «Нафис» навли олманинг ҳар гектаридан 20 — 30 тоннадан, олхўрининг ҳар гектаридан 18 — 20 тоннадан ҳосил олмоқдалар. Ўзимизнинг туманимиздаги М. Фозилов номли жамоа хўжалигида ҳар гектар узумзордан 80 — 90 центнердан узум олинмоқда. Паркент туманидаги «Заркент» жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам биз билан маслаҳатлашиб, ҳамкорликда ишлашиб, ярим лалми ерларда тоғ олди узумнинг янги навларини экиб юқори ҳосил олишмоқда. Демоқчиманки, айбни кўчатга , навга тўнкаш инсофдан эмас.

Афсуски, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, ўзимиздаги айрим хўжаликлар кўчатларни вақтида олиб кетиб экишмайди. Лекин бунинг тескариси ҳам бўлади. Кўп ҳолларда хўжаликлар, туманлар, ташкилотлар кўчат олишга ёпирилиб келишади. Бизга унча беринг, мунча беринг дейишади. Олиб кетишади. Кейин йиғилишларда, мажлисларда биз унча кўчат экдик, бунча кўчат экдик, бунча гектар майдонда боғ ташкил қилмоқдамиз, деб мақтаниб гапиришади. Шу билан иш тамом, вассалом. Бу кўчатларга қараш, сув қўйиш, озиқлантириш билан астойдил шуғулланмайдилар. Бутун баҳор ва ёз давомида ниҳолларнинг тақдири билан — у тутдими, йўқми, қуриб қолмаяптими, дарахтларга шакл берилдими, ток хомток қилиндими, деб қизиқмайдилар. Ана шуниси кишига алам қилади.

— Жуда тўғри айтдингиз. Ҳар йили миллонлаб кўчат тарқатасизлар. Ана шу кўчатларнинг лоақал ярми ҳам тутганда ўлкамиз аллақачоноқ боғ-роғларга айланиб кетармиди.

Ҳақиқатан ҳам жуда кўп ҳолларда имкониятни бой берамиз. Эсингизда бўлса, бундан 7 — 8 йил илгари газетамизда «Лоқайдлик гирдоби» мақоласи босилган эди. Унда худди сиз айтгандек, мева-чеваларни кўпайтиришнинг муҳим, ҳар биримизнинг фойдаланишимиз мумкин бўлган имконияти яъни хиёбонлар, кўча чеккаларига, майдонлар атрофига мевали дарахт кўчатларини экиш масаласи кўтарилган эди. Бу кўпчиликка маъқул бўлган эди. Лекин, бу ишга қаршилик қилганлар ҳам йўқ эмасди. Кўчага мевали дарахт экиб бўладими? Синдириб кетишади, пишишига йўл қўйишмайди, дейишди. Бу нотўғри фикр эди, албатта. Чунки битта-иккита кўчатни кўча ёқасига эккан билан иш битмайди. Ҳамма ёққа экилса, бирданига пишиб етилса, одамларнинг кўзи тўяди, меъдаси тўқ бўлади.

— Яхши эслатдингиз. Бу хайрли ишни биз ҳам қўллабқувватлаб, кўчатдан баҳоли қудрат ёрдам берганмиз. Ўша баҳонада кўп жойларга мевали дарахт кўчатлари экилиб қолди. Айни пайтда ҳосил беряпти. Лекин, ўша пайтда айрим мутахассислар бу масалага салбий қарашди.

— Шу фикрга қўшиласизми?

— Йўқ, мен қўшилмайман. Майли шаҳарнинг серқатнов катта кўчалари четига мевали дарахт кўчати экмай қўя қолайлик. Манзарали дарахтларни эка қолайлик. Улар ҳам керак. Ҳавони тозалаб, чанг-ғуборни ўзига олиб туради. Лекин, ичкариликдаги, шаҳар чеккаларидаги кўчалар, ҳиёбонларнинг чеккаларига мевали дарахт кўчатларини экиш мумкин-ку, ахир. Бу ҳам майли. Узоқ худудлардаги қишлоқларнинг кўча чеккаларига манзарали дарахтларни экиш нима учун керак? Ахир республикамизда шундай кўчалар борки, уларнинг икки томонига режа билан мевали дарахт кўчатлари экиб қўйилибди. Гуллаганда, ҳосили пишиб етилиб қўзингиз қувнайди. Ўтган-кетган ҳам баҳраманд бўлади... Бу ишни нега биз қилишимиз мумкин эмас. Нега вилоятимиздаги халқа йўллари, Оҳангарон туманига кетаверишдаги йўл чеккаларига мевали дарахт кўчатлари экмаймиз. Бу ҳақда ўйлаб кўриш, яна шу мавзуга қайтишларингиз керакми, деб ўйлайман.

Гап бу ерда айланиб келиб, яна кадрларга, мутахассисларга, хўжаликларнинг раҳбарларига тақаляпти. Боғдорчилик, мевачилик билан шуғулланадиган, астойдил меҳр ва иҳлос билан меҳнат қиладиган боғбонларни танлаш, уларнинг меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўлаш керак. Ана шунда улар биз яратган навларнинг, кўчатларнинг қадрига етишади, асрашади, авайлашади, ҳосилга киритишади. Эндиликда хўжаликларнинг ишига ҳар йили қанча кўчат олиб экканликлари, қанча гектар майдонда боғ ташкил этганликларига қараб эмас, бу қўчатларнинг неча фоизи тутди, сақлаб қолинди, ҳосилга кирди ва қанчадан ҳосил олинганига қараб баҳо бериш пайти келди. Бу жиҳатдан Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги тажрибасидан ўрганса арзийди. Мазкур хўжаликда ёш токзорлар 5 ёшга киргунча деҳқонларга бириктиб қўйилади. Бунгача улар бу токзорларнинг қатор орасидаги ерлардан фойдаланадилар, ўзлари хоҳлаган экинларни экиб, ҳосил оладилар. Шу баҳонада ерга ўғит солинади, сув қуйилади, шу тариқа ток кўчатлари ҳам ўз-ўзидан парвариш қилиб борилади. Ҳаммаси тутиб кетади. Барвақт ҳосилга киради. Беш йилдан кейингина боғбонларга узум топшириш режаси белгилаб берилади.

Нега бу тажрибани бошқа хўжаликларда, ҳам қўлланиш мумкин эмас. Ахир моддий манфаатдорлик бор жойдагина ишлар яхши юришиб кетишини биламиз-ку!

— Янги боғларни ташкил этиш, халқимиз севиб истеъмол қиладиган мева, узумнинг навларидан экиб кўчатларни қандай жойлаштириш маъқул?

— Дастурхонимизда фақатгина пишиқчилик мавсумида эмас, айни қиш чилласи-ю, эрта баҳорда ва айниқса, илик узилди чоғларида мева-чеванинг ҳар хил туридан, ҳеч бўлмаса қоқисидан бўлганига нима етсин? Айниқса бундай нозне‌ъматлар ўз боғингиздан, узумзорингиздан чиқса қандай яхши! Шунинг учун ҳам янгидан боғ-роғ ташкил қилишга киришилганда етти ўлчаб бир кесиш, келгусини ўйлаб иш тутиш керак. Шундай бўлсинки, боғингизда, узумзорингизда эртагиси ҳам, ўртагиси ҳам, кечкиси ҳам пишиб етилиб турсин. Энг муҳими кўчат экиш жараёнида меваларни, узумларни навларига қараб жойлаштириш муҳимдир. Чунки ҳар бир навнинг ўз хусусияти, ўстириш, парваришлаш технологияси бор. Шунинг учун ҳам тупроқ, иқлим шароитини, албатта, ҳисобга олиш, бу кўчатлар, бу навлар шу ҳудудга, туманга мослаштирилганми, йўқми, буни ҳам унутмаслик керак. Бу ғоятда муҳимдир. Масалан, нисбатан танқис ва айни пайтда ўстириш жуда нозик ҳисобланган нокни олиб кўрайлик. Агар нок кўчати яхши ўссин, ривожлансин, рисоладагидек ҳосил берсин десангиз, уни ҳавоси нисбатан салқинроқ жойга экинг. Тагидан нам аримасин, илдизидан сув юриб турсин. Айримлар шафтолининг умри қисқа дейишади. Бўлмаган гап. Агарда меваси йирик, сершира, серсув ва сифатли бўлсин, узоқ умр кўрсин десангиз бу мева дарахтини кесиб навдаларини янгилаб туриш керак.

Умуман кесиш ва шакл беришда гап кўп. Шундай миришкор боғбонлар борки, улар ўрикни ҳам вақти-вақтида каллаклаб турадилар ва йирик, донадор ҳосил олишга эришадилар. Ўрик ҳақида гап кетганда бир калла, икки калла, уч калла ўрикнинг меваси деган гаплар, шундан келиб чиққан.

Умуман олганда мевачиликда шакл бериш, буташ дарахтларни умрини узайтиришнинг муҳим омили эканлигини унутмаслигимиз керак. Узумчиликда эса кузда новдаларни кесиш, кўмиш, очиш, навдаларни таращдан ташқари хом ток ҳам ғоят аҳамиятга эга эканлигини биласизлар. Машҳур боғбон, халқ селекционери Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг довруғини бутун дунёга таратган омиллардан бири ҳам шу. У киши хомтокка ниҳоятда катта эътибор берар эдилар. Ғўра хомток, шўра хомток... Бу тадбирни ўз вақтида, сира кечиктирмасдан амалга оширилишини таъмин этардилар.

— Раҳмат, Маҳмуд Мирзаевич, боғдорчиликка оид жуда кўп ибратли тажрибаларни, сирларни билиб олдик. Энди боғбон — олим сифатида халқимизга қандай истакларингиз бор?

— Авваламбор, халқимиз омон бўлсин. Биз қийинчиликларни енгиб, сабр-тоқат билан порлоқ жамият қураётган эканмиз, келгусида бу ўлкамизни боғ-роғларга буркаш мақсадида ҳозирдан ишга киришишимиз керак. Яхшидан боғ қолади, дейдилар-ку! Бу ҳайрли, савобли ишга ҳар биримиз, ҳар бир хўжалик раҳбари, жамоат ташкилотлари, маҳалла-қўйларнинг оқсоқоллари, фахрийлар астойдил ҳисса қўшишлари керак. Ана шунда келажак авлодга ўзимиздан яхши, кўркам боғ қолдирган бўламиз.

Мен шуни мамнуният билан айтишим керакки вилоятда ҳозирнинг ўзидаёқ боғдорчиликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, тармоқдаги қолоқликка барҳам бериш ва яқин йиллар ичида соҳани ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар бошланмоқда. Шундай бўлиши ҳам керакда. Ахир эндиликда мева-чевани ҳам дунё бозорига олиб чиқиш вақти келди-ку. Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор. Бир сўз билан айтганда, боғдорчиликда ҳам

Адабиёт ва санъат

Мушоира-95

СИЗГА БИР ШЕЪР АЙТГИМ КЕЛДИ

***Зарифа ЭРАЛИЕВА** Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида туғилган. 1990 йили Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини сиртдан тугатди. Шеърлари Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган «Дил сўзлари» жамоа тўпламида, шунингдек, вилоят ва республика матбуотида ёритилган.*

АЁЛ

Қуёш бир аёлдир —
куюнчак аёл,
Кўксида дардлари кўп унинг!
У нурдан яралган
гулдир эҳтимол,
Ҳидлари ўзгача бу гулнинг!

Қуёш бир аёлдир,
бир аёл — қуёш,
Дардларин кўксига йиғаверади!
Пинҳона йиғлар у,
юлдузлар — кўз ёш,
Тонгда кулиб-кулиб чиқаверади!

ТУРНАЛАР ҚАЙТАДИ...

Урушда бедарак кетган фарзандини кутаётган оналарга

Эллик йил...
Йўқ, минг йил, баргдай илиниб —
Ҳамон кутаётир ўғлини она.
Қўлида сарғайган энг сўнгги мактуб,
Минг йиллик ҳижрондан тўкилар нола:

«Мен отамнинг уйида
меҳмон эдим,
Олтин сандиқ устида
ўйнор эдим.
Олтин сандиқ устидан
тойдим-тушдим,
Болам, сен йўқ жойларда
доғинг қучдим.
Ёлғизимни турналар
олиб кетди.
Бошимга не дардларни
солиб кетди.
Ёлғизим, зорлигимни
билмайсанми,
Соғиндим бўйларингни,
келмайсанми?!...»

Титраб турган туйғуларда гуноҳ йўқ,
Туйғуларни қарғамагин, онажон!

Дил ўртаган қайғуларда гуноҳ йўқ,
Қайғуларни қарғамагин, онажон!

Қараб тургин, ўғлинг сенинг қайтади
Турналарнинг қанотида шошилиб.
Ва дунёда ўлмас қўшиқ айтади
Паймонаси паймонангга қўшилиб.

Умид билан боққан кўзда гуноҳ йўқ.
Кутмоқликдан толиқмасанг бўлгани.
Бир кун ўғлинг келмоғидан кўнглинг тўқ,
Ўғлинг келар, ёлғон унинг ўлгани!...

«Ёлғизимни турналар
олиб кетди,
Бошимга не дардларни
солиб кетди.
Ёлғизим, зорлигимни
билмайсанми,
Соғиндим бўйларингни,
келмайсанми?!..»

Сен қушиқлар айтма она, айтмагин,
Қўшиқларнинг ҳар қатида ноланг бор.
Турналарни она, қўй, ҳайдамагин,
Турналарнинг қанотида боланг бор!!!

ҚЎШИҚ

Ботир Зокировни тинглаб...

Сен қўшиқ куйладинг. Жим қолди борлиқ —
Тунлар тунлигини унутиб қўйди.
Оҳанглар сеҳрига чидолмай ортиқ
Юлдузлар осилди — жонидан тўйди!

Кўзига ёш келди берахм кузнинг,
Кетиб борар энди ҳазонлар кечиб.
Қалтираб кетар-ку шамол ҳам секин
Сочлари тўкилган дарахтни қучиб.

Куйладинг... Шивирлаб сўзлар сукунат:
Ҳазонлар ўткинчи, тунлар ўткинчи!
Айрилиқ сўзлашга қилди-ку журъат:
Бу дардга айланган кунлар ўткинчи!...

Ҳайқира бошлайсан: ИШҚ ЎТКИНЧИМАС!
Кейин қийнай бошлар дилдаги яра.
Ўтинчлар, ўкинчлар қўшиққа сиғмас,
Тирнала-тирнала тинчир доира...

ҚОШЛАРИМДА ЎСМА ИЗИ БОР...

Халқ йўлида

Қошларимда ўсма изи бор —
Тундай қаро, кетмайди, оға.
Менда кимнинг ёмон кўзи бор,
Кўнгил яро, битмайди, оға.

Кўнгил яро, ўч бор оҳида:
Ёмон кўзга тошдай қадалдим.
Оға, қизил гулнинг шоҳида
Ўзим сизнинг учун яралдим...

Ўзим сизнинг учун яралсам,
Нега ётлар тўкар ёшимни?!
Кафтларимда ўсмалар эзсам,
Ҳижрон қаро этар қошимни.

Келарсиз-ку бир кун... суйгали,
Дилга тугдим оҳим, ҳасратим.
Сизни қирк йил боғлаб қўйгали
Ва қирқ кокил сочим асрадим!..

...Қошларимда ўсма изи бор —
Тундай қаро, кетмайди, оға.
Менда кимнинг ёмон кўзи бор,
Кўнгил яро, битмайди, оға...

БУ ЭРТАК УМР...

Фалак бир адашди, бир хато қилди,
Йўл берди умрдан чегирмаларга.
Ҳали яшамовдим ўн саккизимни,
Мени олиб кетди йигирмаларга.

Фалак бир адашди, бир хато қилди.
Кўксимга куз кирди кўзлари ёшли.
Ҳали дўст топмовдим ботир, баҳодир,
Менга рақиб чиқди — аждар, қирқ бошли.

Энди у ортимдан судралиб юрар,
Жон чиқар қирқ оғиз киноясига.
Йўл топай деганда ўт пуркаб сочар,
Қочиб борай кимнинг ҳимоясига?!

Ўв, у қолиб кетган баҳор юртимда
Булбулнинг тўшига ғунчалар ботар.
Қирқ бошли илоннинг йўлини пойлаб
Ичида бир ботир ёнбошлаб ётар...

Оллоҳ карамлидир, бир куни қайтсам —
Менинг ҳам умримга гул фасли етса.
Йиғласам... ёшимнинг бир томчисига
Ухлаб ётган ботир уйғониб кетса...

Шунгача сабр бер менга худойим,
Шунгача синдирма дил бардошини.
Ёнидан бир ўтай, бир кўриб ўлай,
Ғанимнинг эгилган қирқта бошини!...

АЖАБ, БУГУН...

Ажаб, бугун ҳамма Ширин,
Ҳамма ошиқ Фарҳод бугун.
Ечолмадим, э воҳ, сирин —
Ишқ ипида мингта тугун.

Кўрдим, ҳар ён гул, чамандир,
Қайс адашган саҳролар йўқ.
Қай гўшада «меҳмон» Тоҳир,
Бешик қучган Зуҳролар йўқ.

Дунё — карвон, ўтар-кетар.
Орзу қолар, армон қолар.
Не кун, ишқда якто Юсуф —
Зулайҳосиз яшай олар?!..

Мажнунман деб келди бири,
Кўнглида ишқ пайдо эмас.
Дедим: Жунун, адашмагил,
Бу — Зарифа, Лайло эмас!

Зарифа ЭРАЛИЕВА.



Суратда: Кўргазма залида; муаллифнинг «Тоғ манзараси» асари.

М. НУРИНБОЕВ суратлари.

Ёш рассом кўргазмасида

БЕҲЗОД ТАСВИРИДАГИ СИРЛИ ОЛАМ

Бу оламда оддийгина баргнинг шитирлаши ҳам, сувнинг жилдираши ҳам, булутнинг ёмғир сачратиши ҳам, шамолнинг увлаши ҳам, қуёшнинг нур сочиши ҳам, ҳаммаҳаммаси ранг-баранг ва кўркам

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ М. Горький номли театр биносида истеъдодли ёш рассом Беҳзод Маҳмудовнинг навбатдаги шахсий кўргазмаси очилди.

У кўп йиллик изланишлардан сўнг энг сара асарларини тўплаб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ўзбекистон халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев, Баҳодир Жалолов, Рўзи Чориев, Абдумўмин Бойматов, Маннон Саидов, В. Бурмакин, таниқли танқидчи Б. Насриддинов ва бошқалар ёш мўйқалам соҳибининг асарларига яхши баҳо бердилар. Кўргазмада Ўзбекистондаги чет эл ваколатхоналари ходимлари ҳам иштирок этишди.

Беҳзод Маҳмудов асосан манзара жанрида ижод қилади. Ўзининг жонажон қишлоғи Хумсон манзаралари асосида лавҳалар чизади. Лекин бу манзаралар шунчаки бир қараб, ўтиб кетаверишга мўлжалланган эмас. Ҳар бир манзара унинг қаршисида соатлаб туришни, чуқур ҳаёлга толишни унда ифодаланган мураккаб ҳаёт ҳақиқатини илғаб олишни талаб этади.

Беҳзод ўзининг ақл ила ирода кучини табиатнинг ич-ичида, ўзагида, мағзида рўй бераётган беҳисоб ва мураккаб товланишларга қаратади ҳамда бу ранг-баранглиқни ўз шууридан ўтказиб, қалб кўри билан илитиб, ажойиб тўлқинли манзаралар яратади. У ўз асарларинги ички мазмунини чуқур гапириб беролмаса ҳам, аммо унинг болаларча содда ва ҳаяжонли боқишларидан табиат унга катта истеъдод бахш этганини билиб олиш қийин эмас. Мен Беҳзод манзараларида Чингиз Айтматовнинг илк ижодидаги чуқур маъноларга эга бўлган соддаликни, кенг қамровли оддийликни кўриб қувондим.

Беҳзод ўз асарлари орқали бизни сирли бир оламга етаклайди.

У қалбимизни ларзага солиб, бизни чуқур ҳаёлларга толдиради. Аста секин кўнглимизда ички кўтаринкилик пайдо бўлади. Шу улуғворликнинг кичик бир зарраси эканлигимиздан ҳам қаноат, ҳам ғурур ҳосил қиламиз.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

СИР

(ҳажвия)

КЕЙИНГИ пайтларда ошқозон яна безовта қиладиган бўп қолди. Бир мижғиб оғриб берадики, дод деворай дейсан киши. Ўша куниям алламаҳалгача уйқум келмади. Уйда ўтиравериб диққинафас бўлиб кетдим. Кўчага чиқдим. Тун ярим. Бирор зоғ ҳам кўринмайди. Ҳаммаёқ сутдай ойдин. Шу пайт бир нарса ярқ этди-ю рўпарамда қандайдир шарпа пайдо бўлди. Бўйи менга бир ярим баробар келади. Сувдай силлиқ матодан тикилган уст-боши баданига чиппа ёпишиб турибди. Дарров билдим, бу ернинг одами эмас. Қўшни давлатдан бўлса керак.

Унчалик қўрқмадим. «Қалай ишлар?» деб қўл узатдим. Қўли қўлимга тегиши биланоқ ток ургандай аъзойи баданим дириллаб кетди.

— Мен Рукуш планетасидаман, — деди у. — Биз сизларнинг даврий ривожланишингизни ўрганаяпмиз. Менинг исмим РХС-047. Бизга одамлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳаётига аралашиш қатъиян маън қилинган. Лекин сенинг ошқозон деб аталадиган органинг азоб бераётганини кўриб, раҳмим келди ва сенга ёрдам беришга қарор қилдим. Афсус, запас ошқозоним ёнимда йўғиди. Ўзимникини берай десам, катталар билиб қолишади. Майли, шундоқ бўлсаям мен сени азобдан қутқараман. Ошқозонинг энди оғримайди. Ишинг, турмушинг ҳам яхши бўлади. Мен сенга ҳамиша ёрдам бериб тураман. Фақат бир шарти бор — бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсан. Агар оғиз очсанг...

— Э, бу дарди бедаводан қутқар, оғайни, оғиз очган номард...

У сўзимни тугатар-тугатмасимдан кўздан ғойиб бўлди. Анчагача ўзимга келолмадим. Бирданига ошқозоним ҳам оғримай қолди. Уйга кириб тўшакка ётдим-у, донг қотдим.

Эртасига азонлаб уйғонибман денг. Дарров самоварга тараша ташлаб, кўмир солдим. Шлангда ҳовлига сув сепдим. Хотиннинг кармонидан пул олиб, рўпарамиздаги магазиндан қаймоқ, булочка харид қилиб келдим. Кейин хотинни, болаларни уйғотдим.

Аввалига хотиним кўзларига ишонмади. Беш-олти марта кўзини ишқалагач, кўйлагининг ёқасига «туф-туф»лади.

— Вой дадажониси-ей, нима қилардингиз уриниб, — деди анқайганича. — Ҳай, майли. Сиз нонушта қилинг, ман кўйлагингизга дазмол уриб берай.

— Ойижониси, ундан кўра бирга нонушта қилсак бўлармиди. Кейин болаларни боғчага ўзим элтиб кўярдим. Сиз ишга уй-пуйни йиғиштириб кетардингиз. Кеча, десангиз...

Дарҳол тилимни тишладим. Тундаги воқеани айтворишимга сал қолди ўзиям.

Ишхонага бошликдан ярим соат олдин келибман. Самандар Салмонович мени кўриб:

— Ҳа, Лутфиллажон, кун қаёқдан чиқди? — деб ўзи қўл узатди (тарихда биринчи марта).

— Ҳалиги, бугун ҳисоботни тугатмасам... Шундоғам жуда чўзиб юбордим. Сизниям гап-сўзга қўйдим...

— Баракалло, баракалло! — деди бошлиқ елкамга қоқиб.

Ишим эрталабданоқ юришиб кетди. Бир ҳафтадан буён битказолмаётган ҳисоботни тушгача туғаллаб қўйдим.

Шу куни маош олдик. Саид билан Олим узун-қисқа бўлиб олдимга келишди:

— «Бир-бир» қиламизми?

— Мен учун ҳам ичинглар, — деб уларга икки сўм бердим-да, бозорга чопдим. Кейинги пайтларда кеннойингиз нордон нарсаларга ўч бўлиб қолган. Бир кило ғайноли, бошқа мева-чева олиб, боғчага югурдим. Борсам хотинжон Ҳасан-Ҳусанни кийинтириб бўлган экан, мени кўриб терисига сиғмай кетди.

Айтаверсам гап кўп, ёзган билан адо бўлмайди. Эртасига бошлиқнинг «уч кунда тугатсангиз бўлади» деб берган топшириғини кечгача бажариб, котиба қизга бериб қўйдим. Кейинги куни мени касаба уюшмаси аъзолигига, табиатни муҳофаза қилиш жамияти Кенгашига сайлашди. Уй олишга қайтадан навбатга қўйишди. Кеннойингиз бўлса кўярга жой тополмайди. Атрофимда гирди-капалак. Ошқозон ҳам зўр, тошни есам ҳазм қилади. Буларнинг ҳаммаси ўша оғайним РХС-047 шарофатидан.

Лекин буни ҳеч ким билмайди. Одамлар «Лутфиллага инсоф тегибди», «Қандай ўзгариб қолди-я», «Бу кетишда бошликдан ҳам катта бўлиб кетади» деб шивир-шивир қилишади. Менинг эса чет планетадан ошнам борлиги ва унинг қудрати тўғрисида оламга жар солгим келади. Лекин айтолмайман. Мумкин эмас.

Бир ҳафтагача зўрға чидадим., «Пақ» этиб ёрилиб кетай дедим. Охири бўлмади. Ишдан сўнг Саид билан иккита вино олиб пивохонага бордик. Саид ҳар галгидек дарров маст бўлиб қолди. Иккимиздан бошқа ҳеч ким қолмагач:

— Саид, бир сир бор, — дедим шивирлаб, — оғзингдан гулламайсанми?

— Валяй, — деди ўрисчалаб.

— Мани Рукуш планетасидан оғайним бор.

— Нима қипти? Маникиям бор.

— Эшитсанг-чи. У менга доим ёрдам беради.

— Неччи сўм беради?

— Ёрдамлашади, деяпман!

— Отамлашади?! Сан биланми? Ке, қўй уни. Қани, қуй элликтадан, йўқ, юзтадан...

Кейин нима деганимни, нима бўлганини яхши билмайман. Йиқилиб тушдим, шекилли. Туфлигим, костюмим бор эди. Лекин шляпам... Эсимда йўқ...

Эрталаб хотинимнинг бақир-чақириғидан уйғониб кетдим. Архивидаги бор гапларни тўкиб солардики, ҳалиям одамзот чидаш бераркан. Гапиришга мажолим йўқ, бош тарс ёрилай дейди. Энг расвоси, ошқозон мижғи-и-иб оғрийди.

Эҳ, ҳомкалла, нодон, дейман ўзимча, аҳмоқ бўлмасам, ўша Саид қиррикка айтаманми сиримни. Энди ҳолим нима кечади...

Абдусамад АБДУЛҲАҚОВ.

Болаларга аталган шеърлар

СЕВИНЧ

Ота лайлак бахтиёр,
Она лайлак хотиржам.
Лайлаквойнинг шодлиги
бениҳоя — бир олам.
Эрта тонгда туғилган
Сингилга боқиб тўймас:
— Бурнингдан айланайин
Ўзимнинг пучуққинам!

***

ҚУЁНЛАР НЕГА ХУРСАНД?

Қорбобо ясашар ўрмонда
Бир гуруҳ болалар -
шодонлар.
Арчалар ортидан уларни
Кузатар қордек оқ
қуёнлар.
Қуёнлар диконглаб-
диконглаб,
Бахтиёр сезишар ўзларин.
Қорбобонинг қип-қизил
бурни —
Сабзидан узолмай
кўзларин...

Абдураҳмон АКБАР.

Оққўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги бошқаруви шу жамоада узоқ йиллар бошқарув раиси лавозимида ишлаган меҳнат фахрийси

Ҳасанбой ЭРГАШЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оиласига, қариндош-уруғларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ИЖОДКОРЛАР — «НИҲОЛ» МЕҲМОНИ

ЁШ АВЛОДНИ баркамол қилиб тарбиялашда мактабларда ташкил этилаётган маънавият тўгараклари алоҳида ўрин тутади. Бу жиҳатдан Тошкентдаги Ю. Мўминов номли 274-ўрта мактабнинг «Ниҳол» адабий уюшмаси иши ибратлидир. Уюшма ўтган йиллар ичида кўпгина ёзувчи, шоирлар, рассомлар, навоийшунос олимлар билан учрашувлар ўтказган эди.

Яқинда ёзувчи Тоҳир Малик ҳамда Маъруф Жалиллар «Ниҳол» меҳмони бўлишди. Мулоқот мобайнида ўқувчилар муаллима Ёқут Мўминова раҳбарлигида Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» қиссаси асосида тайёрланган саҳнавий кўринишларни намойиш этишди. Маъруф Жалил шеърларини ёд ўқишди.

Учрашувда ижодкорлар ўз асарларининг ёзилиш тарихи ҳақида сўзлаб бердилар, шунингдек йиғилганларга мактаб ўқитувчиси Маҳмуда Валиева ҳам ўз шеърларидан ўқиб берди. Ижодкорлар ўқувчиларга ўз китобларига дастхатлар битиб совға қилдилар.

Ш. ОБИДОВА.

СЕНГА ТОНГЛАР ТУҲФА ҚИЛГУМ

(Қатра)

МЕН сени бир бор кўриш учун қуёш бўлиб осмонга кўтарилдим. Сен бир зум кўриндинг-да:

— Бунча иссиқ бўлмаса, — дея ҳароратимга дош беролмай ўзингни сояга тортиб, кўздан ғойиб бўлдинг.

Мен сенга берган озоримдан афсусланиб, аста-секин тоғлар ортига беркиндим. Ва сал ўтмай зулматга айландим, қўлларим билан билдирмайгина юз-кўзларингни силадим. Сен эса...

— Бунча қоронғи-ей, — дея ёруғ шуъла таратиб турган кулбангга шошилиб кириб кетдинг. Мен ортингдан қўлларимни чўзганча оҳ чекдим.

Мен кўнглингни тополмай жуда қийналдим. Ахийри кўкда ҳилол бўлиб ярқирадим. Дерзангга яқинлашиб, шуълаларимни кулбангга сочдим. Сенинг чеҳранг ёришиб кетди ва ташқарига чиқдинг. Мен эса сендан жуда олис баландликда эдим. Сенга яқинлашиш мақсадида илдам одимладим. Лекин етиб келгунимча сен ширин уйқуга кетган эдинг. Эҳ, қанчалик энтикиб келганимни билсанг эди! Нега уйғона қолмайсан-а?! Бутун вужудим булутга айланиб кўз ёшларим борлиқни ювa бошлади. Аста шивирлаб деразангни чердим. Сен уйғониб...

— Ё тавба, ҳалигина ойдин эди, бемаврид ёмғир ёғяптими? — дединг хушламайгина.

Нахотки ёмғир менинг кўз ёшларим эканини илғамадинг? Ахир у — мен эдим! У — менинг бағримдан сизилиб чиққан соғинч ёшлари эди! У — сенга кўриниш беролмай қийналаётган муҳаббат эди!

Мен барибир умидимни узолмай сендан йироқлашдим. Сўнг шамолга айланиб, кўз ёшларим селобини қуритдим. Кўнглимни бироз бўшатгач, шафақка айландим. Сен деразангни ланг очиб, майин табассум билан:

— Тонг... Тонг! — дединг энтикиб.

Мен ногоҳ англадимки, сен тонгни севасан! Тонг — ҳаётнинг бошланиши, ҳар ишнинг боши. Умр ҳам тонгдан бошланади. Шундан буён мен тонг шуъласи бўлиб йўлингни ёритишга қарор қилганман.

Сен ҳар саҳар деразангни табассум билан оч. Қара, зулматнинг қора чодирини сидириб, тоғлар ортидан оппоқ нур ёйилиб келмоқда. У — мен! У-сенинг кулиб турган нигоҳингни бир кўриш учун ҳар саҳар ҳузурингга шошиладиган умид!..

...Мен сенга чексиз тонглар туҳфа қилгум!..

ГУЛНОЗ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0054. 18527 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 1 2 3 4 5 6